

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

Транспорт факультети

**Касб таълими (Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси)
кафедраси**

Факультет декани
_____доц.М.Хатамов
“ _____ ” _____ 2014 й.

“Ҳимояга рухсат этаман”
Кафедра мудири
_____доц.А.Полвонов
“ _____ ” _____ 2014 й.

Холбожонов Бобур
(25-КТТВИТ-10)

**Мавзу: Йўловчи ташишни ташкил этишнинг асосий элементлари
мавзусини ўқитишда интерфаол стратегияларни қўллаш
(Автомобилларда йўловчи ташишни ташкил этиш фани мисолида).**

**5140900- Касб таълими (Транспортвоситаларини ишлатиш ва
таъмирлаш)**

**Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган
битирув малакавий иши**

Раҳбар:

Мирзаев И.

Наманган -2014

АНОТАЦИЯ

Битирув малака иши 33 варақ тушунтирув ёзуви ва 5 варақ чизма қисмидан иборат.

Тушинтирув ёзуви умумий, технологик, асосий қисм, иқтисодий қисм ва меҳнат муҳофазаси, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

График қисми “Йўловчи ташишни ташкил этишнинг асосий элементлари мавзусини ўқитишда интерфаол стратегияларни қўллаш” (Автомобилларда йўловчи ташиш фани мисолида) бўйича талабанинг ишланмалари келтирилган.

Битирув малака ишини умумий қисмида касб-хунар коллежи тавсифи, малака тавсифи ва ўқув жараёни таҳлили берилган.

Технологик қисмида илғор педогогик технологиялар ва уларнинг турлари, автомобилларда ташиш фанини тавсифи, дарс материалида автомобилларда пассажирлар ташиш, маршрутлар тизими ва ҳайдовчилар меҳантини ташкил этиш, ва пассажирлар обороти ва пассажирлар оқими бўйича қиқача баёни ва уларни замонавий усуллар билан қиёслаш берилган.

Асосий қисмида янги педагогик ва ахборот технологияларни, тайёргарликнинг модуль тизимини ўқув жараёнига тадбик этишнинг методологияси, педагогик технология тамойиллари ва педагогик технологик харита, маъруза дарсларини таълим технологияси ва «Йўловчилар ташишни ташкил этишнинг асосий элементлари» мавзусига интерфаол стратегиялардан бири кластер тузиш материаллари ҳақида маълумотлар берилган.

Иқтисодий қисмида таклиф этилган ўқитиш методини иқтисодий самарадорлиги аниқланган. Меҳнат муҳофазаси қисмида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш чора тадбирлар келтирилган.

Мундарижа

- Кириш**
 - 1. **Умумий қисм**
 - 1.1 Наманган саноат касб-ҳунар коллежи тавсифи
 - 1.2 Малака тавсифи
 - 1.3 Битирув малака иши мавзусини асослаш
 - 2. **Технологик қисм**
 - 2.1 Илғор педогогик технологиялар ва уларнинг турлари
 - 2.1.1 Таълим тизимига педагогик технологияни татбиқ этишнинг зарурати
 - 2.1.2 Анъанавий ва ноанъанавий педагогик технологиялар
 - 2.2 Автомобилларда ташиш фанини тавсифи
 - 2.3 Дарс материали
 - 2.3.1 Автомобилларда пассажирлар ташиш
 - 2.3.2 Маршрутлар тизими ва ҳайдовчилар меҳантини ташкил этиш
 - 2.3.3 Пассажирлар обороти ва пассажирлар оқими
 - 2.3.4 Енгил автомобилларда пассажирларни ташиш
 - 3 **Асосий қисм**
 - 3.1 Янги педагогик ва ахборот технологияларни, тайёргарликнинг модуль тизимини ўқув жараёнига татбиқ этишнинг методологияси
 - 3.2 Педагогик технология тамойиллари ва педагогик технологик харита
 - 3.3 Маъруза дарсларини таълим технологияси
 - 3.4 «Йўловчилар ташишни ташкил этишнинг асосий элементлари» мавзусига интерфаол стратегиялардан бири кластер тузиш
 - 4 **Иқтисодий қисм**
 - 4.1 Педагогик тажриба ва унинг натижалари
 - 5 **Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси қисми**
 - 5.1 Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тадбирлари
- Хулоса**
- Фойдаланилган адабиётлар**

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" Қонуни амалга ошириш борасида рақобатбардош кадрлар, айниқса, турли таълим хизматлари кўрсатувчилар (тарбиячилар, ўқитувчилар ва педагоглар) ни тайёрлаш бўйича қатор муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги тўққизинчи сессиясида ушбу тоифадаги кадрлар

ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов шундай деган эди:

- "Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларни маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз".

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни қоидаларига биноан кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини амалга ошириш бу тизимни мамлакатда амалга оширилаётган иштимой-иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тубдан ислоҳ қилишни кўзда тутди.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими педагогларига қуйиладиган талаблар:

а) Педагогга қуйиладиган талаблар ва унинг умумлаштирилган модели. Кадрлар тайёлаш Миллий дастури рақобатбардош кадрлар тайёрловчи замонавий педагогга қуйиладиган талаблар мажмуини белгилайди. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг ушбу мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади.

Умумлашган моделга мувофиқ асосий (фундаментал) талаблар қуйидагилардан иборат:

- таълим бериш маҳорати;
- тарбиялай олиш маҳорати;
- Ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсий фазилатлари;
- таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати.

Таълим бериш маҳорати педагогга қуйиладиган талаблар ва ўқув-тарбия жараёнини амалга ошириш шароитлар билан боғлиқ бўлган қуйидаги бош (доминант) омиллар билан аниқланади:

- қўллаб-қувватлаш ва ўқув жараёни муҳити;
- педагогнинг психологик-педагогик тайёргарлик;
- фанни чуқур билиши, касбий омилкорлик ва эрудиция;
- янги педагогик ва компьютер технологияларни билиш;
- касбий ахборот манбаалари сифатида чет тилларини билиш;
- янги услубий ва билим манбааси сифатида илмий-услубий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш;
- узлуксиз таълим тизимининг меъёрий ҳужжатларини билиш;
- ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишнинг моддий техника базаси билан боғлиқ бўлган ахборот базаси ва ресурслари. Тарбиялай олиш маҳорати педагогнинг юксак маданият ва маънавий савиясига, шахсий ахлоқий, ватанпарварлик ва бурч (ҳислар) ига асосланади. Таълим олувчиларда дунё яхлитлиги юксак маданият, маънавий тафаккурни шакллантириш учун педагогнинг ўзи гуманитар ва гуманистик руҳда тарбияланган ҳамда ўқув-тарбия ишини ташкил этиш маҳоратига эга бўлиши шарт.

Педагогнинг ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсий фазилатларига қуйидагилар кирилади: талабчанлик ва адолатлилик, ҳалоллик ва ҳайрихоҳлик, киришимлилик ва ҳазил-мутоиба ҳисси. Ушбу фазилатлар педагогнинг таълим олувчилар олдида обрўсини белгилайди. Педагогнинг шахсий фазилатлари унинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳоратига таъсир кўрсатади.

Таълим олувчиларнинг билимларини рейтинг асосида баҳолаш ва назорат қилиш маҳорати психологик-педагогик жиҳатдан педагогнинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳорати билан узвий боғлиқ. Педагог таълим олувчиларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини билиши ва уларни мукамал равишда рейтинг-назоратда қўллай олиши, ҳамда стандарт тестларни ишлаб чиқа олиш ва қўллай олиш маҳоратига эга бўлиши лозим.

Олий таълим—мустақил фикрловчи шахсни шакллантиришни таъминловчи, узлуксиз таълимнинг замонавий талабларига жавоб берадиган, ўзи танлаган билимлар соҳаси йўналиши (ихтисослиги) бўйича ижодий фаолиятига тайёр, республиканинг илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини таъминлашга қодир, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларга эга, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни амалга оширувчи мустақил таълим туридир. Олий таълимнинг касбий - таълим дастурларини ўзлаштириш ўрта махсус касб-ҳунар таълимидан кейин, улар негизида амалга оширилади. Олий таълим аудитория машғулотлари аудиториядан ташқари (ўзига тайёрланиш), мустақил билим олиш ва экстернет шаклларда ташкил қилинади.

Олий ўқув юртидаги ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятлари

1. Олий мактабдаги таълим ўрта (ўрта махсус) маълумот негизда амалга оширилади ва муайян мутахассислик (йўналиш)га йўналтирилган бўлади.

2. Олий мактабдаги таълим дидактик жараён бўлиши билан бир вақтда илмий тадқиқот ишлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади.

3. Олий мактабдаги жараён ўзига хос шакл ва методларда олиб борилади.

Бу жараёни моделлаш умумий дидактик ва ўқитишнинг бу поғонаси дидактикаси муаммолари билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилади. Олий таълим ўрта (ўрта махсус) негизига асосланади ҳамда икки (бакалаврият ва магистратура) босқичига эга.

Олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларида таркибий ўзгаришлар ўтказиш, бошқарувни такомиллаштириш, таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Янги педагогик ва ахборот технологиялар, тайёргарликнинг модуль тизимидан фойдаланилган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштирилиши, халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мерос ва умумманбаалик йўналишини таъминлаш.

Ишлаб чиқаришнинг талаб ва эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимнинг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиришда, касб тайёргарлигининг мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шакллари танлашни тақозо этади. Педагог кадрларнинг илғор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам ошириб бориш, ўзаро интеграцияланган таълим муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар, аппаратлар билан жиҳозлаш.

Мазкур вазифани муваффақиятли ҳал қилишда муҳандис-педагогларнинг фан ва техника соҳасидаги ютуқларидан муттасил фойдалана билишлари, ўқув жараёнида илғор педагогик ва ишлаб чиқариш таълими тажрибаларини тадбиқ, эта олишлари катта аҳамият касб этади. Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни ҳал қилишда бажарилаётган битирув малакавий ишлари катта аҳамиятга эга.

Наманган саноат касб-хунар коллежи тавсифи.

Наманган шаҳридаги Наманган саноат касб-хунар коллежи 1983 йилгача Андижон кичик машинасозлик техникумининг Наманган филиали деб юритилган. 1983 йилда эса Наманган индустриал техникуми ташкил топган ва уни номи билан атала бошлаган. 1983 йилдан 1999 йилгача Наманган индустриал техникуми Республикамизда кўзга кўринган ўрта махсус таълим берадиган ўқув даргоҳига айланган. Шу йилларда хунар техника билим юртида етук мутахассислар заҳирасига эга бўлган бу ўқув даргоҳида кундузги, кечки ва сиртқи таълим амалга ошириб келинди. Наманган индустриал техникумини 10000 дан ортиқ ўрта махсус малакага эга бўлган талабалар битириб чиқишди ваҳозорги вақтда мамлакатимизнинг турли ишлаб-чиқариш корхоналарида ҳархил соҳалар ҳамда бошқарув тизимида меҳнат қилишмоқда. Наманган индустриал техникуми мамлакатда кўзга кўринган ўқув юртига айлантиришда собиқ директори И.Неъматуллаев, О.Д. Хасонов ва ҳозирда фаолият юритаётган коллеж директори Х.Насихонов устозларнинг меҳнати бекиёсдир.

Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 1998 йил 23-сентябрдаги 406-сонли 1998-2005 йилларда академик лицей ва касб-хунар коллежларини моддий техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисидаги қарори асосида, Наманган индустриал техникуми вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 15 ноябрдаги 215-сонли қарори билан Наманган саноат касб-хунар коллежига айлантирилди. Наманган саноат касб-хунар коллежи мақоми берилгач, у тўла реконструкция қилинди ҳамда қайта жихозланди. Касб хунар коллежи Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-хунар таълими маркази Наманган вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси таркибига киради.

Касб-хунар коллежи давлат стандартлари доирасида ўрта махсус касб-хунар билимини берадиган ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган янги турдаги ўқув юртидир.

Таълим шакли кундузги. Касб-хунар коллежи битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган нусхадаги диплом берилади, унда ўрта махсус касб таълими йўналишлари ва мутахассисликларини классификатори таснифлашни мувофиқ мутахассислик бўйича берилган малака кўрсатилади.

Наманган саноат касб-хунар коллежи Наманган шаҳрида жойлашган. Давлат банкида ҳисоб рақамига эга. Касб-хунар коллежига қабул қилиш умумий ўрта таълим негизида мактабларнинг 9-синфини битирувчиларини якуний Давлат аттестацияси ва умумий ўрта таълимнинг тугатишда улар томонидан олинган рейтинг кўрсаткичлари натижалари бўйича ихтиёрий равишда танлаган мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Касб-хунар коллежида ўқиш муддати 3 йил мутахассисликлар ўрта махсус касб-хунар таълими йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторлари асосида тайёрланади. Касб хунар коллежи йилига 300 тадан 500 тагача ўқувчини қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул қилади:

- Металларга ишлов бериш йўналиши
- Саноат корхоналари ва фуқаро иншоотларидаги электр монтаж ишлари йўналиши
- Автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш йўналиши
- Юк ташишни ташкил этиш ва автомобил ҳаракатини бошқариш йўналиши
- Электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютер тармоқларини ўрнатиш йўналиши
- Бухгалтерия ҳисоби йўналиши
- Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш ва ишлатиш устаси

мутахассислиги

Наманган саноат касб-хунар коллежи Осиё тароққиёт банкининг Ўзб-1737 лойиҳасига киритилган бўлиб, саноат йўналиши бўйича мамлакатда биринчилардан бўлиб янги техника жихозларини ўрнатиб бўлинди ва ишга туширилди. Колеждан 2004-2005 йилларда 7 нафар малакали муҳандис-педагог ва раҳбар кадрлар чет элларда Германия, Австралия, Индонезия каби ривожланган давлатларда малака ошириб келдилар.

Колежда 300 ўринли талабалар уйи, спорт зал, 300 ўринли кутубхона, кичик автодром, 200 ўринли маросимлар зали, 240 ўринли ошхона ва ўқув ишлаб чиқариш устахоналари талабаларнинг яхши билим олишлари учун хизмат қилмоқда.

1.1. Малака тавсифи

Ҳозирги кунда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда жараёнида тайёрланаётган мутахассислар замон талабларига мос бўлишлари шу бугуннинг талаби. Касб-хунар коллежларида автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш бўйича кичик мутахассисликларини тайёрлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамиздаги касб-хунар коллежларида автомобил транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш бўйича қуйидаги:

Тайёрлов йўналиши: Автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш

Юк ташишни ташкил этиш ва автомобил ҳаракатини бошқариш

Касби: Автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш бўйича уста.

Юк ташишни ташкил этиш ва автомобил ҳаракатини бошқариш

Мутахассисликлар:

- Автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш
- Автомобилларни электр жихозларини таъмирлаш электриги
- Юк ташишни ташкил этиш ва автомобил ҳаракатини бошқариш
- «В» ва «С» тоифали ҳайдовчилар тайёрланмоқда.

Автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш йўналишининг қўлланиш соҳаси ва вазифаси. Ушбу йўналиш бўйича Давлат ва нодавлат автокорхоналар учун автомобилларни ишлатиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажарадиган кичик мутахассисликлар тайёрланади.

Автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш тайёрлов йўналиши бўйича тайёрланган кичик мутахассис меҳнат бозорида қуйидаги лавозимда фаолият кўрсатади:

- Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш бўйича чилангар;
- Автомобилларни электр жихозларини таъмирлаш электриги;
- «В», «С» тоифали ҳайдовчи.

Стандартда белгиланган зарур ва етарли мазмуни, касбий таълим дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга кичик мутахассис малакаси берилади.

Касбий таълимни чуқурлаштириш мақсадида кадрлар малакасини ошириш тизимида, тармоқ ўқув муассасаларида ва махсус курсларда кейинчалик малакани ошириш амалга оширилади.

Олий ўқув юртларида касбий фаолиятни мазкур соҳасида янада юқорироқ малакага эришилади.

Ушбу тайёрлов йўналишлари бўйича кичик мутахассисликлар меҳнат бозорида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-хунар таълим Маркази, Меҳнат вазирлиги ҳамда Молия вазирликлари томонидан тасдиқланган «Ўрта махсус, касб-хунар ўқув муассасалари битирувчисининг фаолияти йўналишлари эгаллаган касблари, лавозимлари тариф разрядларининг оралиғи» меъёрий ҳужжат асосида қуйидаги лавозимлар бўйича келтирилган тариф разрядлари бўйича ишлашлари мумкин: транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш бўйича чилангар 3-6 тариф разряди; электрик ва «В» ҳамда «С» тоифали ҳайдовчилар.

1.3. Битирув малака иши мавзусини асослаш

Касб-хунар коллежларининг ҳар бир мутахассисликлари учун, айниқса, касбий фанлардан адабиётлар таъминоти ҳозирча талаб даражасида эмас. Касб-хунар коллежлари учун яратилаётган адабиётларнинг янги авлоди касб-хунар коллежларини таълим стандартлари талабларига тўла жавоб бериши лозим. Бундан ташқари республикамизда амалга оширилаётган «Таълим ислохотлари» ни акс эттириш лозим. Яратилаётган адабиётлар ва ўқув қўлланмалари на фақат ўқувчилар аудиторияси учун, балки, ўқитувчилар учун ҳам мўлжалланган бўлиши лозим, яъни ўқитувчилар учун мавзуларни ва машғулотларни ўтишда лозим бўлган илғор услубий кўрсатмалар ҳам келтирилган бўлиши керак.

«Автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш» касби бўйича авточилангарлар ва ҳайдовчилар тайёрлашда «Автомобилларда ташиш» фани касби фанлардан бири ҳисобланиб, касбий кўникмалар ва билимларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозиргача бўлган даврда ўзбек тилида «Автомобилларда ташиш» фани бўйича кўпгина дарслик ва ўқув қўлланмалар ишлаб чиқарилган, лекин бу асосан собиқ иттифоқ даврида чоп этилган адабиётни таржимасидир. Бунда фақат иттифоқ даврида ишлаб чиқарилган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ишлари баён этилган, ҳозирги кунда Ўзбекистон ишлаб чиқарилган

автомобилларни тузилиши ва уларни назарий асосларини ўрганиш кўпгина адабиётлар ёзилиб наشرга берилган. Лекин латин имлосида адабиётлар етарли эмас.

Ҳозирги касб-хунар коллежларини моддий техник базасини янги ўқув жиҳозлари билан етарли даражада таъминланган деб ҳисоблаш мумкин.

Касб-хунар коллежларида касбий фанлардан таълим берувчи ўқитувчиларни ҳам малакаси талаб даражасида деб бўлмайди. Касб-хунар коллежларидаги бу муаммоларни ечиш мақсадида таянч олий ўқув юртлири қошида ўқитувчиларни малакасини ошири курслари ва бўлимлари ташкил этилди. Бундай бўлимларни ташкил этиш кадрлар тайёрлар миллий дастурини сифат босқичини вазифаларини амалга оширишга қаратилган муҳим қадамлардан биридир.

Касб-хунар коллежларини педагоглари таълим стандартлари, ўқув режалари ва фаннинг намунавий дастури асосида фаннинг ҳар бир мавзусига бағишланган дарс машғулотларини аниқ мақсадлар асосида лойиҳалаш малакасига бўлиши лозим.

Ҳар бир фанни намунавий ва ишчи дастурлари асосида ҳар бир мавзуга бағишланган дарс машғулотларини олиб бориш жараёнини лойиҳаламасдан таълим жараёнини сифатини оширишни тасаввур қилиш мушкул.

Дарс жараёнини лойиҳалаш, яъни соддароқ қилиб айтганда режалаштириш, бу мавжуд адабиётлар, илмий техник журналлар ва ахборотлар, ўқув жиҳозлари, ўқитиш воситалари, кўргазмали қуроллар ёрдамида ўқув ва таълим мақсадларига эришини энг самарали йўлларида биридир.

Ҳозирги кунда дарс жараёнини режалаштиришга ва лойиҳалашга бағишланган кўплаб анжуманлар, ўқув курслари ташкил этилиб, ушбу анжуманлар материаллари асосида услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилмоқда ва таълим жараёнида кенг қўллашда фойдаланилмоқда. Жумладан касбий ва техника фанларида маърузалар матни, ўқув қўлланмалар ва адабиётларни яратиш бўйича услубий кўрсатма ва қўлланмалар ишлаб чиқилди. Бироқ бундай қўлланма ва кўрсатмаларда техник фанларни ўзига хос томонлари етарли даражада очиқ берилмаган ва ҳисобга олинмаган.

Таълим жараёнини сифатини белгилловчи ана шундай муаммоларни ҳал этиш учун касбий фанларни ҳар бири бўйича илғор педагогик технологиялар асосида касбий фанни ўқитиш услубларига бағишланган адабиётларни яратиш ва уларни кўплаб нусхаларда чоп этириш таълим жараёнида ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Битирув малака ишининг «Автомобил транспортининг асосий иш кўрсаткичлари мавзусини ўқитишда ақлий ҳужум стратегиясини қўллаш» бўлиб, юқорида келтирилган вазифаларни бажаришда бир кичик қадам бўлиб ҳисобланади деб ўйлаймиз.

«Автомобилларда ташиш» фани автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш касби бўйича авточилангарлар ва ҳайдовчилар тайёрлашда асосий касбий фанлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу фанни ўқиш жараёнида ўқувчилар автомобилларда юк ва йўловчи ташиш, автомобил ва двигателларни тузилиши, вазифаси, ишлаш тамойиллари ва агрегат ва қисмларни ҳисоби бўйича касбий билим ва кўникмаларни эгаллайдилар.

Битирув малака ишининг асосий мақсади авточилангар ва ҳайдовчилар тайёрлашда «Автомобилларда ташиш» фанининг аҳамияти, тутган ўрни, вазифаси ва мақсадларини, фанлараро боғланишларини ўрганиш ва уларни очиқ беришдан ҳамда **«Йўловчи ташишни ташкил этишнинг асосий элементлари мавзусини ўқитишда интерфаол стратегияларни қўллаш»** мавзуси асосида ўқитиш услубларини ишлаб чиқиш ва мавжуд адабиёт ва қўлланмалардаги ушбу мавзу материалларини таҳлил қилишдан иборат. **«Йўловчи ташишни ташкил этишнинг асосий элементлари мавзусини ўқитишда интерфаол стратегияларни қўллаш»** мавзусини ўқитиш методикасини ишлаб чиқишда ақлий ҳужум ва интерфаол стратегияларни қўллаш, асосий эътибор дарс жараёнини жиҳозланиши, дидактик материаллар, тавсия этиладиган адабиётлар, дарс жараёнини режалаштириш ва бошқа фанларда ўтиладиган мавзулар билан боғланишларига қаратилиб, мавзуда белгиланган таълимий, тарбиявий ва режалаштириш мақсадларига эришиш имкониятлари ёритиб берилади.

2.1. Илғор педагогик технологиялар ва уларнинг турлари

2.1.1. Таълим тизимига педагогик технологияни татбиқ этишнинг зарурати

XXI аср кишилик жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (ғоявий) ҳамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмунини амалга оширишни таъминлади.

Инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар асосида йўлга қўйиш зарурати кун тартибига қўйилмоқда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёни моҳиятини тўлақонли англай олган, фавкулотда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олиш салоҳиятига эга бўлган малакали мутахассисни тайёрлаш зарурияти таълим жараёнини ҳам педагогик ёндашув асосида ташкил этиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда. Табиий равишда замонавий фан техника ютуқларидан самарали ва унумли фойдалана олиш вазифаси номоён бўлмоқда.

Айни вақтда республика ижтимоий ҳаётига кенг қўламли ва шиддатли тезликдаги ахборотлар оқими кириб келмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда талабага етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Таълим муассасаларининг фаолият жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш бир қатор шартларга мувофиқ амалга оширилади. Хусусан, бўлажак педагогик фаолиятни ташкил этаётган ўқитувчиларни янги педагогик технологиянинг моҳиятини очиб берувчи назарий маълумотлардан хабардор этиш;

- бўлажак ёки фаолият олиб бораётган (педагог) ларни янги педагогик технология ҳамда унинг моҳияти хусусида тўлақонли маълумот бера олиш имконига эгабўлган ўқув манбълари (ўқув дарслиги, қўлланма, методик тавсиянома, шунингдек, муайян ўқув фанлари бўйича машғулот лойиҳалари ва ҳ.к.) билан етарли даражада таъминлаш;

- таълим муассасалари фаолиятида янги педагогик технологияларни қўллаш борасида тўпланган етакчи хорижий мамлакатлар, шу жумладан маҳаллий педагогларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш;

- бўлажак ёки педагогик фаолият олиб бораётган таълим жараёнидаги янги педагогик технология назарияси ғояларидан самарали, ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдалана олиш кўникмасини ҳосил қилиш, ушбу кўникмани амалий фаолият малакасига айлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш (чунончи, назарий ва амалий конференция, семинар ва давра суҳбатлари, махсус ўқув курсларини ташкил этиш, педагог ходимларнинг ривожланган мамлакатда тажриба орттиришларини йўлга қўйиш ва ҳ.к.).

2.1.2. Анъанавий ва ноанъанавий педагогик технологиялар

Жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси XXI аср бўсағасида турар эканмиз, ортида қолган йиллар қадрини ва келажак ҳаётининг турли жабҳаларини белгилаб олишга ўриниши табиийдир. Жумладан, ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида фаолият кўрсатаётганлар ҳам бундан мустасно эмас.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов таълим тушунчасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб қуйидагича таърифлайди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлодни барча энг яхши имкониятлари унда намоён

бўлади, касбкори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади». Таъкидланган мақсадни амалга ошириш учун таълимнинг янги моделини яратишни тақозо қилади. Моделни амалиётга тадбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўқув-тарбиявий жараёнини янги педагогик технологиялари билан таъминлаш» унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Бугунги кунда таълим технологияларини шартли равишда икки турга ажратиш мумкин:

1. Анъанавий

2. Ноанъанавий

Анъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган бўлиб, ўқитишнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларининг мажмуидан фойдаланиб таълим-тарбия мақсадига эришишдир.

Ноанъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида талаба шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.

Ноанъанавий таълим технологияси анъанавий таълим технологиясидан фарқ қилиб, талабаларнинг билиш имкониятларини ривожланишига шароит яратади, мустақил ишлашларига алоҳида эътибор берилади, билиш фаолиятлари изланувчан ва ижодий ҳарактерга эга бўлади. Дарс тузилмаси ўзгарувчан бўлади.

Ноанъанавий таълим технологияси ўз навбатида учга бўлинади:


- **Ҳамкорликда ўрганиш**
- **Моделлаштириш**
- **Тадқиқот (Лойиҳа)**

Ҳамкорликда ўрганиш - талабаларнинг билимини ўзлаштириш, сингдириш, мустаҳкамлаш бўйича репродуктив фаолиятини таъминловчи, маҳорат ва малакани кетма-кетлик бўйича талабанинг бевосита бошчилигида ишга солишни ташкил этишга асосланган ўқитиш ва билим олишдир. У талабаларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган методлардан иборат. Буларга китоб билан ишлаш, ўқув суҳбати, давра суҳбати, аклий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара каби методларни киритиш мумкин.

Моделлаштириш - реал ҳаётда ва жамиятда юз берадиган ҳодиса ва жараёнларнинг ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини аудиторияда яратиш ва уларда талабаларнинг шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тутати. Унинг асосий мақсади талабаларнинг фақат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш орқали таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Буларга ишбоп ўйинлар ва ролли ўйинлар каби методларни киритиш мумкин.

Тадқиқот - талабалар томонидан муаммони тушуниш ва ечиш, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундайдиган усуллар йиғиндисидан иборатдир. Тадқиқотнинг мақсади дарс жараёнида талабаларда савол қўйиш ва уларга жавоб излашида қизиқишини уйғотишга қаратилгандир. Унда ўқитиш талабаларни амалий изланиш жараёнида бевосита қатнашишини таъминлайди. Буларга муаммоли вазият, лойиҳалаш методи, мустақил изланиш, йўналтирувчи матн каби методлар қиради.

Қуйида таълим технологиялари бўйича методлар тизимига батафсил тўхталиб ўтамиз.



Таълим технологиялари бўйича методлар тизими

2.2. Автомобилларда ташиш фанини тавсифи

Юксак даражада тараққий этган ҳозирги замон транспортисиз ривожланган жамият асосини яратиб бўлмайди. Чунки транспорт ҳар қандай мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг муҳим таркибий қисмидир. Бизнинг мустақил Ўзбекистонимизда ҳам транспорт алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, таъбир жоиз бўлса, ҳам психологик аҳамият касб этади.

Транспортнинг яхши ишлашини белгиловчи муҳим омиллардан бири унинг юк ва пассажирларни ташиш мунтазамлигидир. Зарур маҳсулот, хом ашё, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи ўз вақтида ва мунтазам ташилгандагина уларнинг омборлардаги захиралари энг кам миқдорда бўлиши ва ишлаб чиқаришни узлуксиз ташкил этиш имкони яратилади. Табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни ташишда ҳам транспорт, айниқса, автомобил транспорти алоҳида ўрин тутди. Агар замонавий транспорт воситалари ва ривожланган йўллар бўлмаса, табиат бойликларидан самарали фойдаланиш қийин бўлади.

Аҳолини бир ердан иккинчи ерга ташишда транспортнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу ишни асосан пассажир транспорти амалга оширади. Пассажир транспортининг асосий вазифаларидан бири, кишиларни ўз вақтида иш жойига ва ишдан уйларига элтиб қўйиш, иш куни давомида ишчи ва хизматчиларни корхоналар ўртасида ташишдан иборатдир.

Ҳалқаро алоҳаларни, жумладан товар айирбошлашни кенгайтириш ва уни мустаҳкамлаш ишидан ҳам транспортнинг роли катта. Халқаро савдо, сайёҳлик ва бошқа алоқаларнинг ривожланиши, фан ва техника, маданият ҳамда спорт соҳаларидаги муносабатларнинг юксалиши транспорт воситалари ва алоқа йўлларининг ривожланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Булардан ташқари, аҳолини sanoat ва озиқ-овқат моллари билан ўз вақтида таъминлаш ҳам транспортнинг асосий вазифаларидан биридир.

2.3. Дарс материали

Мавзу: Пассажирлар ташишни ташкил этишнинг асосий элементлари (2 соат)

Ўқув модули бирликлари:

- 2.3.1. Автомобилларда пассажирлар ташиш
- 2.3.2. Маршрут (йўналиш) лар тизими ва ҳайдовчи меҳнатини ташкил этиш
- 2.3.3. Йўловчилар обороти ва йўловчилар оқими
- 2.3.4. Шаҳарларда автобусларни ишлатиш асосий элементлари
- 2.3.5. Енгил автомобилларда йўловчиларни ташиш
- 2.3.6. Енгил такси автомобилларига бўлган талабни ўрганиш

Тушунчалар ва таянч иборалар: маршрут тавсифи, диаметрал маршрут, радиал маршрут, ярим диаметрал маршрут, ҳалқасимон маршрутлар, тангенциал маршрут, аралаш маршрутлар, ҳаракат интервали, пассажирлар обороти, пассажирлар оқими.

Дарс ўқув мақсади: талабалр пассажирлар ташишни асосий элементлари ҳақида тушунча эга бўладилар

2.3.1. Автомобилларда пассажирлар ташиш

Автомобилларда пассажирлар ташиш мамлакат умумтранспорти тизимининг ажралмас бир қисми бўлиб, пассажир транспортининг бошқа турлари билан бир қаторда пассажир ташиш ишлари билан шуғулланади.

Транспорт турларидан қатъи назар пассажирлар ташишни ташкил этишда уларга умумий талаблар қўйилган бўлиб, унда пассажирларни қисқа вақт ичида манзилларига етказиб қўйиш, транспорт воситаларининг бутун маршрут давомида аниқ ҳаракати, транспорт воситаларидан яхши фойдаланиш, ташишни тўла ҳавфсизликбилан ташкил этиш, пассажирларга юқори маданият билан хизмат этиш, иложи борида ҳаражатларни камайтириш талаблари қўйилади.

Пассажирларни кўплаб ташувчи транспортнинг бошқа турларига нисбатан пассажирлар ташувчи автомобил транспортининг бир қанча афзалликлари бор. Бундай афзалликларга, энг аввало, пассажирлар ташувчи автомобил транспортининг юқори даражали манёврчанлиги, яъни пассажирларни иш ва яшаш жойларига яқинлаштириб етказиб бориш хусусияти, такомиллаштирилган ва қаттиқ қопламали йўлларда ер усти пассажирлар ташувчи бошқа транспортларга нисбатан юқори ҳаракат тезлиги.

2.3.2. Маршрутлар тизими ва ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этиш

Маршрут (йўналиш)лар тизими дейилганда шаҳар, туман ёки вилоят ҳудудидаги пассажирларни кўплаб ташувчи барча турдаги маршрутлар йиғиндиси тушунилади

Аҳолиси 250 мингдан ортиқ бўлган шаҳарлардаги турли пассажир транспортларини энг оқилона ёндоштириш мақсадида шаҳар пассажир транспортининг узоқ даврли (перспектив, яъни 10-15 ва ундан ортиқ йилда мўлжалланган) режалари ишлаб чиқиши зарур. Бундай режалар маршрутлар тизимини комплекс ривожлантириш масалаларини қамраб олади.

Комплекс маршрут тизими дейилганда барча турдаги пассажир транспорти иш маршрутлари ва енгил такси автомобилларининг тўхташ бекатлари йиғиндиси тушунилади.

Шаҳар, туман ёки вилоят ичи пассажирлар ташиш маршрутлари конфигурацияси (жойлашуви) маршрутлар тармоғи дейилади. Фақат автобуслар қатнайдиган маршрутлар конфигурацияси автобус маршрутлари тармоғи дейилади. Бошқа тур пассажирлар транспортининг ҳам тегишлича маршрут тармоқлари бўлади.

Маршрутлар тармоғи кўрсаткичлари. Шаҳар маршрутлари тизимига қўйиладиган асосий талаблар: пассажирлар шаҳар чегараси ичида бир қатновда ёки бир транспорт воситасидан иккинчисига ўтиши минимал миқдорда бўлиши; шаҳардаги барча йўналишларида бир қатновга минимал вақт сарфлаш; транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, яъни бутун маршрутлар тармоғи бўйича транспорт воситаларининг текис бўлиб ишлаши ва бошқалар.

Маршрутлар таснифи. Шаҳар пассажир транспорти маршрутлари транспорт турлари (автобус, трамвай, троллейбус, метро ва ҳ.к.), маршрутлар тармоғидаги ҳаракат йўналишлари, ҳаракат тезлиги ва иш режимларига биноан таснифланади.

Автобус маршрути дейилганда автобус ва маршрутли таксиларнинг бошланғич ва сўнгги бекатлар оралиғида белгиланган ҳаракат йўллари тушунилади. Шаҳар автобус маршрутлари шаҳар ҳудудидаги ҳаракат йўлларига биноан ажратилади.

Диаметриал маршрутлар шаҳарнинг бир четини иккинчи чети билан шаҳар марказий ҳудудларини кесиб ўтиб, шаҳар марказини четлари билан ҳамда шаҳар четки ҳудудларини ўзаро боғлайди.

Радиал маршрутлар шаҳар четидаги сўнгги нуктадан марказ томон йўналган бўлади; бундай маршрутлар шаҳар четларини марказ билан, чекка жойларни туман марказлари ёки метро маршрутлари билан боғлайди.

Ярим диаметрал маршрутлар шаҳардаги икки туман марказларини ўзаро боғлайди.

Ҳалқасимон маршрутлар айлана ёки берк синик чизикдан иборат бўлиб, шаҳарнинг ўзаро алоқага муҳтож тарқоқ нукталарини бирлаштирувчи маршрутдир.

Тангенциал маршрутлар шаҳарнинг айрим туманларини марказга кирмай ўзаро боғлайди.

Аралаш маршрутлар юқорида келтирилган маршрутларнинг бир неча элементларини ўз ичига олади.

Ишлаш вақтларига кўра маршрутлар доимий ва вақтинчалик бўлиши мумкин. *Доимий маршрутларда* йил давомида ва ҳафтанинг барча кунларида транспорт воситалари бир хил миқдорда қатнайди. *Вақтинчалик маршрутлар* эса муайян мавсумда ёки заруратга кўра (масалан шанба ва якшанба кунлари дам олиш учун) ташкил қилиниши мумкин.

Одатда, ҳар бир автобус маршрутига тартиб рақами берилади. Шаҳар маршрутларига 1 дан 99 (йирик шаҳарларда 199) гача, шаҳар атрофи маршрутларига 101 дан 199 гача (201 дан 299 гача) ва шаҳарлараро маршрутларга кейинги сонлар тартиб рақамлари берилади. Агар экспресс ва тезлаштирилган маршрутлар бўлса, автобуслар тартиб рақамларига «Э» ва «Т», қисқатирилган маршрутларга эса «+» ҳарфлари қўшилади.

Автобус маршрутининг сифат кўрсаткичлари. Автобус маршрутлари ҳаракати ташкил этишдаги пассажирларга хизмат кўрсатиш даражаси ва транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини белгиловчи асосий сифат кўрсаткичларига қуйидагилар кириди: ҳаракат тезлиги, ҳаракат интервали, салон сифимининг тўлганлик коэффициенти, пассажирлар алмашиш коэффициенти ва уларнинг ўртача қатнов масофаси.

Ҳаракат интервали дейилганда, маршрутдаги бекатлардан автобусларнинг кетма-кет ўтиш оралиқ вақти тушунилади.

Ҳаракат интервалларига кўра автобус маршрутлари серкатнов ва сийрак қатновли хилларга бўлинади. Ҳаракат интервали 10-15 минутдан ошмайдиган маршрутлар серкатнов маршрутларга кириди.

Шаҳар ва шаҳар атрофи маршрутлардаги пассажирлар окимининг алоҳида хусусияти шундан иборатки, бундай маршрутларда эрталабки ва кечки «ташиш чўққиси» соатларида (1,5-2,0 соат мобайнида) ҳаракатнинг серкатновлиги янада оширилиши, қолган вақларда эса, камайтириб, кечки «ташиш чўққиси» дан сўнг эса маршрутлардаги автобусларни аста-секин ўз саройларига қайтариш талаб этилади.

Автобуснинг маршрутдаги бошланғич пунктдан то сўнгги тўхтов пунктигача босиб ўтган йўли *рейс* деб аталади. Автобуснинг маршрут бўйича иккала йўналишдаги қатнови, яъни унинг бошланғич пунктдан сўнгги пунктгача бориб, яна бошланғич пунктга қайтиши *айланма рейс* деб аталади. Одатда, автобуслар йўналиш давомида ўз номинал сифимларига нисбатан 1,3-1,6 марта кўпроқ пассажир ташийд.

Ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этиш. Автобусда ишловчи бригадалар меҳнатини ташкил этишнинг бир қанча шакллари бор. Меҳнатни ташкил этишнинг учланган шакли, яъни ҳар бир автобусга уч ҳайдовчи бириктирилганда ҳар куни автобусда икки ҳайдовчи ишлайди. Ҳар икки кун ишлаганларидан сўнг, улар бир кун дам оладилар. Ҳайдовчилар иши бундай шаклда ташкил этилганда, бир ой 20 кун ишлаб, 10 кун дам олинади.

Меҳнатни ташкил этишнинг бир яримлик шаклида икки ҳайдовчи учун икки автобус доимий ишлаш учун бириктирилган бўлиб, учинчи ҳайдовчи уларнинг иккаласини галма-гал алмаштириб, иккала автобусда ҳам ишлайди. Меҳнатни бундай шаклда ташкил этишда ҳам ҳар бир ҳайдовчи икки иш кунидан сўнг бир кун дам олади.

Меҳнатни ташкил этишнинг икки яримлик шаклида ҳар икки автобусда беш ҳайдоври ишлайди. Бунда икки ҳайдовчи фақат биринчи автобусда, яна икки ҳайдовчи эса фақат иккинчи автобусга ишлайди. Бешинчи ҳайдовчи галма-гал ҳар иккала автобусда ишлайди. Ҳар тўрт иш кунидан сўнг ҳар бир ҳайдовчи дам олади.

2.3.3. Пассажирлар обороти ва пассажирлар оқими

Пассажирлар обороти дейилганда пассажирлар ташиш бўйича бажарилиши лозим бўган ёки бажарилган транспорт иши ҳажми тушунилади. Пассажирлар обороти кўрсаткичи бажарилган пассажир-километрларда ўлчанади. Бажарилган пассажирлар обороти миқдори аҳолини серкатновлиги (йил давомида бир яшовчига тўғри келувчи транспортдаги қатновлар сони) ва пассажирлар қатновининг ўртача масофаси миқдорига боғлиқдир.

Пассажирлар оқими дейилганда бир йўналиш бўйича қатнаёган пассажирлар миқдори тушунилади. Пассажирлар оқими тушунчаси ҳам юк оқими тушунчасига ҳам оҳангдир. Пассажирлар оқими ҳам юк оқими каби эпюра ва схема шаклларида берилиб, маълум маршрут бўлаги, маршрут ва йўналиш, тумандаги пассажирлар ташиш кескинлигини билдиради.

Пассажирлар оқимини ўрганишда барча қатновлар икки гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган пассажирлар оқими.

Биринчи гуруҳ қатновига ишга бориб-қайтиш, кун давомида иш билан боғлиқ қатновлар, ўқувчи ва талабаларнинг ўқув юртларга қатнаши киради. Иккинчи гуруҳга томошагоҳлар (театр, концерт, кино)га, маданий ва илмий ташкилотлар (музей, кўргазмалар, кутубхоналар, стадионлар, дам олиш боғлари)га, дўконларга. Ва маиший хизмат ташкилотлари (шаҳар атрофида дам олиш, касалхона ёки поликлиника, болалар боғчаси)га бориш билан боғлиқ қатновлар киради.

Шаҳардаги пассажирлар обороти йил мавсуми, ҳафта кунлари, сутка соатлари ва йўналишлар бўйича ўзгарувчанлиги билан характерлидир. Мавсумий ўзгарувчанлик айниқса курорт шаҳарлар ва йирик маданий марказлар учун характерли ва уларда яққол кўзга ташланади. Бунда пассажирларнинг энг кўп миқдори ёз ойларига тўғри келади.

Ҳафта кунларидаги энг кўп пассажирлар миқдори дам олиш, байрам ва байрам олди кунлари билан боғлиқ бўлади.

Пассажирлар оборотининг ўзгарувчанлиги ўзгарувчанлик коэффиценти билан аниқланади ва у пассажирлар оборотининг максимал миқдорини унинг ўртача миқдорига бўлиш орқали топилади: $\eta = P_{\max} / P_{\text{ўрт}}$.

Йирик шаҳарларда пассажирлар оборотининг нотекислиги автобус транспортида тахминан: йил давомида ойлар бўйича 1,15-1,20; сутка соатлари бўйича 1,5-2,0 ва йўналишлар бўйича 1,2-1,5 га тенгдир.

Шаҳарларда автобусларни ишлатиш асосий элементлари

Маълум миқдор ва йўналишдаги пассажирлар оқимига хизмат этиш учун автобус маршрутларидан фойдаланилади. Маршрутлар пассажирлар ҳосил бўлувчи пунктларнинг жойлашувига кўра перегонларга бўлинади. Перегон-бу пассажир транспортининг икки кўшни бекати орасидаги масофадир. Пассажирлар қатновининг ўртача масофаси қанча катта бўлса, перегонларни узайтириш ҳам шунча катта аҳамиятга эга бўлади. Перегонларни узайтириш бекатлар ўртасидаги алоқа тезлигини ошириш имконини беради.

Шаҳар ичи автобус маршрутларидаги бекатлараро энг мақбул масофа пассажирлар қатнови узунлигига боғлиқ равишда 300 дан 700 метргача бўлиши тавсия этилади.

Шаҳар атрофи пассажирлар ташиш ҳаракатида эса бекатлараро масофа 700-1000 метр, узоқ манзилларга қатновчи автобус маршрутларида эса йўлдаги аҳоли яшаш пунктларини ҳисобга олган ҳолда бўлади.

Бекатларда автобусларнинг маршрут рақамларини кўрсатувчи махсус табло бўлиб, унда ҳаракат интервали ва бошқа маълумотлар кўрсатилади. Сўнгги бекатлар эса хизмат хоналари билан жиҳозланган бўлиши лозим. Кейинги пайтларда пассажирлар гавжум бекатларда савдо шохобчалари, тезкор қаҳвахоналар ташкил қилинаётир.

Ҳаракат хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда ва чорраҳаларнинг ўтказа олиш хусусиятларини ошириш мақсадида, чорраҳаларга яқин бекатлар улардан камида 25-30 метр масофада ташкил этилади.

Бекатнинг ўтказа олиш хусусияти дейилганда ундан 1 соат ичида бир томонга ўта олиши мумкин бўлган автобусларнинг максимал миқдори тушунилади. Чорраҳаларга яқин жойлашган бекатларнинг бир томонга ўтказа олиш хусусияти соатига тахминан 100 та автобусга тенг.

Пассажирлар ташиш шарт-шароитлари. Пассажирларнинг автобусда қатнаши учун салонда сотиб олинган чиплғаси ёки қатнаш ҳуқуқини берувчи махсус ҳужжати бўлиши шарт.

Қуйидаги ҳолатлардан ташқари, автобусларда пассажирларни ташишга ҳеч қандай тўсқинлик бўлмаслиги лозим: пассажир белгиланган ташиш қоидасини бажармаса; агар ташиш ҳокимият топшириғига биноан тўхтатилган ёки фавқулодда ҳолатлар билан боғлиқ бўлса; агар

автобусда бўш жой қолмаган бўлса; агар пассажир маст ёки бошқа пассажирлар соғлиғига путур келтирадиган ҳолатда бўлса.

Шаҳарларда пассажирлар ташувчи автобуслар ҳаракатини ташкил этиш. Автобуслар ҳаракатини ташкил этишда бир қатор ўзаро боғлиқ эксплуатацион-техник шарт-шароитлар ҳисобга олиниши зарур. Булар қаторига қуйидагилар киради: автобуслар тармоғининг жойлашуви (конфигурацияси); маршрутлар йўналиши ва характери; йўл ва бекатларнинг ўтказа олиш хусусиятлари; ҳаракат тезлиги ва интерваллари; автобуснинг тўлганлик даражаси ва йўл давомида пассажирларнинг алмашинуви.

Ташиш мунтазамлиги маршрутдаги маълум сонли автобуслар ҳаракати мунтазамлигини талаб этади. Бунга эса ҳаракат интервалининг аниқ бажарилиши (Y) ва унга мос частота (R) га риоя этиш орқали эришилади. Шаҳар маршрутларидаги ҳаракат частотаси одатда соатига 12-15 автобусдан, айрим маршрутларда эса 4-5 автобусдан иборат бўлади. Пассажирлар зичлиги қуввати катта бўлган маршрутларга эрталабки ва кечки «ташиш чўққиси» соатларида камида 15 та автобус чиқарилиши лозим.

Ҳаракат интервали ҳаракат частотасига боғлиқ бўлиб, у маълум жой (бекатдан) навбатдаги автобус қанча вақт ораллиғида автобус ўтишини билдиради ($Y \cdot 60 / R$) ва минутда ўлчанади. Ҳаракат интерваллари шаҳар маршрутларида, одатда, 4-6 минутни ва камдан-кам ҳолларда 12-15 минутни ташкил этади.

Шаҳардан ташқари маршрутларда пассажирлар ташишни ташкил этиш

Шаҳардан ташқаридаги аҳолининг транспортга бўлган эҳтиёжларини қондирувчи пассажирлар ташиш уч хил бўлади: шаҳар атрофи, туман (қишлоқ)лараро ва шаҳарлараро (давлатлараро) ташишлар.

Шаҳар атрофи пассажирларини ташиш

Шаҳар атрофидаги пассажирларни ташишни ташкил этиш шаҳарни унга ёндош қишлоқ туманлари ҳамда меҳнаткашларнинг оммавий дам олиш жойлари билан ҳар куни ва мунтазам равишда боғлашдан иборат бўлиб пассажирлар оқими нисбий барқарорлиги, перегонларнинг шаҳардагидан катталиги, техник ҳаракат тезлиги ҳамда автобус тўлиш даражасининг нисбатан катталиги, сутка ичида 16-18 соат ҳаракатланиши, йўл шарт-шароитларига боғлиқлик билан характерлидир.

Қишлоқ жойларда доимий яшовчи аҳолига хос пассажирлар оқими сутка соатлари ичида анчагина нотекидир; вақтинча қишлоқ жойларга келувчилар эса бу нотекисликни янада кучайтиради ва байрам олди кечки соатларда, байрам ва хафтанинг биринчи кунлари эрталабки соатлардаги ҳаракатда «ташиш чўққиси»лари ҳосил бўлишига сабабчи бўлади.

Шаҳарлараро автобусларда пассажирлар ташишнинг ўзига хос хусусиятлари. Шаҳарлараро пассажирларни ташиш. Юк ташишдан фарқли ўлароқ, асосан йирик магстрал йўл трассаларида ташкил этилиб, уларда автобус бекатлари, шийпонлар, жиҳозланган тўхташ жойлари, йирик шаҳарлардаги маршрутларнинг сўнгги жойларида эса автовокзаллар ташкил этилади. Ташишни бундай ташкил этиш натижасида пассажирларни маршрутларнинг айрим жойларида, маълум микротуманларда йиғиш имкони яратилади.

Автовокзал-бу шаҳарлараро алоқаларда пассажирлар ташишни ташкил этувчи корхона бўлиши билан бирга, пассажирларга маршрутларнинг сўнгги боғланиш пунктларида маданий-маиший хизмат этиш маскани ҳамдир. Автовокзаллар амалда йирик шаҳар ва саноат марказларида шаҳар транспорти ҳаракатидан алоҳида қурилган иншоотлар мажмуидан иборат бўлиб, унга қуйидагилар киради: пассажир ва хизматчи ходимларга мўлжалланган вокзал бинолари; пассажирларнинг автобусга чиқиш ва ундан тушиш жойлари (перронлар), рейсга чиқишни кутиб турувчи автобуслар учун майдонча; автобусни тозалаш, ювиш ва техник хизмат кўрсатиш жойлари.

Умумий сиғими 300 кишигача бўлган пассажирлар ва хизмат хоналарини бир қаватли бинога, сиғими 500 дан 900 кишигача бўлганда эса икки қаватли бинога жойлаштириш тавсия этилади.

Ташиш шарт-шароитлари. Шаҳарлараро автобусларда пассажирлар ташишда пассажирлар ва автотранспорт корхоналари ўртасидаги алоқалар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар шаҳар атрофидаги ташишлардан анча мураккабдир. Бунда ўзаро мажбуриятлар пассажирларнинг автовокзал ва автобекатларга келиб чипта сотиб олиш ва юкларини топширишдан бошланади.

Узоқ манзилларга қатновчи пассажирларнинг дам олишлари учун зарур шароит, тиббий ёрдам ва овқатланиш имкониятлари яратилиши зарур. Булар. Ўз навбатида, пассажирлар ташишни

ташкил этиш жараёнлари асосий элементларига кўшимча равишда бир қатор ташкилий масалаларни ҳал этишни талаб этади.

5 ёшгача бўлган болалар бепул ташилади (бунда битта пассажир фақат битта бола учун йўлқира тўламаслиги мумкин). Бундай бола учун алоҳида жой ажратилмайди. 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар учун ярим баҳоли чиптадан фойдаланилади ва уларга алоҳида жой берилади.

Шаҳарлараро пассажирлар ташиш автобусида пассажир ўзи билан 16 кг гача қўл юкини бепул олиб юриши мумкин.

2.3.4. Енгил автомобилларда пассажирларни ташиш

Енгил автомобилларда пассажирларни ташиш автобуслар билан ташишдагига нисбатан фойдаланилаётган транспорт воситалари ва ташиш ишларини ташкил этиш тамойилларига кўра тубдан фарқ қилади. Енгил автомобилларда пассажирларни ташиш асосан қуйидаги хилларга бўлинади: махсус такси автомобилларда пассажирларни ташиш; хизмат юзасидан пассажирларни енгил автомобилларда ташиш (бунга аҳоли буюртмасига биноан маросимларга хизмат этувчи енгил автомобиллар иши ҳам киради.) Бундан ташқари, аҳолининг хусусий бўлган енгил автомобилларда ташишлар ҳам бор.

Енгил такси автомобилларни ишлатишда улардан жадал фойдаланиш характерлидир. Сутка давомида бундай автомобиллар 13-14 соат ишда бўлиб, ўртача босиб ўтиш масофаси 200-250 км ни ташкил этади. Аксарият ҳолларда енгил такси автомобиллардан фойдаланувчи пассажирлар юк билан қатновчи пассажирлардир. Шунинг учун ҳам такси сифатида фойдаланиладиган автомобилларга техник жиҳатдан юқори даражада ишончли, динамик хусусияти юқори, пассажирларнинг ўтириши ва уларнинг юкларини жойлаштириш қулай бўлиши талаблари қўйилади.

Енгил такси автомобилларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш

Аҳолининг пассажирлар ташиш транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжини фақатгина маршрутда ишловчи транспортлар билан қондириш мумкин эмас. Барча шаҳарларда кўплаб пассажирлар ташувчи транспорт турлари: автобус, трамвай, троллейбус ва метро билан бирга енгил такси автомобиллари ҳам бўлиши зарур.

Енгил такси автомобилларида пассажирлар ташиш ҳажми аҳоли сони, шаҳарнинг аҳамияти, иқлими ва бошқа шароитларга боғлиқ. Пассажирлар ташиш ҳажмини аниқлаш учун талабларни тизимли равишда ўрганиш керак. Енгил такси автомобилларига бўлган талаб, маршрутларда ишловчи транспорт турларидаги каби сутка соатлари, ҳафта кунлари, йилнинг ойлари ичида ўзгарувчан бўлади. Енгил такси автомобилларига бўлган аҳоли талабини ўрганишнинг бир неча усули бор.

Анкета усулида енгил такси автомобили ҳайдовчилари, махсус варақа (карточка)га ҳар бир пассажир қатнови кўрсаткичларини ёзиб борадилар.

Рўйхатга олиш усули махсус шаклларда (журналларда) ҳозирги замон техника воситаларига суянган ҳолда ҳисоблаб боришга асосланган бўлиб, унда такси тўхташ жойларига автомобилларнинг келиш ва кетиш кўрсаткичлари, автомобилдаги пассажирлар сони, тўхташ жойидаги кутиб турувчи пассажирлар сони кабиларни махсус диспетчерлар рўйхатга олиб боради.

Кўз билан кўриб хулоса чиқариш усули. Тажрибали назоратчи экспертлар ташишга бўлган талаб қандай бажарилаётгани, автомобилнинг келишини кутиб турувчи пассажирлар навбати, тўхтов жойида йиғилиб қолган такси автомобиллари ва бошқалар тўғрисида ўз хулосаларини берадилар. Бундай усулда талабни ўрганиш, одатда, анкета усули билан биргаликда ўтказилади.

Жадвал усулида маршрутли такси автомобилларига бўлган талаб ўрганилади. Бундай усулда автомобил ҳайдовчилари маршрутнинг ҳар бир рейсида неча пассажирлар чиқиб-тушаётганлигини ҳисоблаб борадилар.

Статистик усулда йўл варақалари кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, енгил такси автомобилларидан ишда қандай фойдаланилгани таҳлил этилади.

Текширув ўтказиш олдида қўйилган вазифаларга кўра текширувнинг бир ёки неча туридан бирваракайига фойдаланиш ёки текширувни кун бўйича ёки куннинг маълум вақтида (масалан, «ташиш чўкқиси» вақтида), ҳафтанинг барча кунларида ёки фақат айрим кунларида ўтказиш мумкин. Бундай текширувларни йилига 2 марта (ёзда ва қишда) ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Назорат савол ва топшириқлари.

- Пассажир ташувчи автомобил транспортининг бошқа пассажир ташувчи транспорт турларига нисбатан афзаллиги ва камчилиги нималардан иборат?
- Маршрутлар тизими деганда нимани тушунаси?

- Маршрутлар тармоғи кўрсаткичлари ҳақида тушунча беринг.
- Шаҳар автобус маршрутлари шаҳар ҳудудидаги ҳаракатига кўра қандай таснифланади?
- Ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этиш шакллари ҳақида тушунча беринг.
- Пассажирлар обороти нима?
- Пассажирлар оқими деганда нимани тушунаси?
- Пассажирлар оқими нотекислик коэффициенти қандай аниқланади?
- Пассажирлар оқимини ўрганишнинг қандай усуллари биласиз?
- Автобус бекатлари қандай турларга бўлинади?
- Бекатлар орасидаги масофа қандай бўлиши керак?
- Автобуслар ҳаракат интервали қандай аниқланади?
- Ҳаракат частотаси деганда нимани тушунаси?
- Ҳаракат мунтазамлиги қандай аниқланади?

3.1. Янги педагогик ва ахборот технологияларни, тайёргарликнинг модул тизимини ўқув жараёнига тадбик этишнинг методологияси.

Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусиятлари:

Педагогик технология атамасининг стандартлашмаганини инобатга олиб унга нуфузли ташкилот ЮНЕСКО томонидан берилган таърифига мурожат қилиш мақсадга мувофиқдир:

Педагогик технология - техникавий ва инсоний манбаларни ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини инобатга олиб, ўз олдига таълим шакллари мақбуллаштириш вазифасини қўядиган, бутун ўқитиш ва билим олиш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш бўйича тизимли қарашдир. Мақсади - оммавий касбий таълим шароитида таълим жараёнининг зарурий самарадорлигини таъминлаш ва талабалар томонидан ўқишнинг қўлланган натижаларига эришиш қафолатидан иборатдир.

Бош вазифаси - оммавий касбий таълим шароитида «оддий» педагогларга ўқитишнинг етарли самарасига эришишни таъминловчи ўқув жараёнини яратиш ҳисобланади.

Педагогик технологияни ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари:

- Ўқув жараёнини лойхаланиши техникавий ва инсоний имкониятларни тўлиқ ҳисобга олиб амалга ошириши.
- Тизимли ёндашуви асосида ўқув жараёнини мақбуллаштириш.
- Ўқитиш натижаларини режалаштириш ва унга эришишни қафолатлаш.
- Узлуксиз тескари алокани таъминлаш, ўқув жараёнига тузатишлар киритиш ургатувчи цикллarning мавжудлиги.
- Ўқув жараёнинг қайта такрорлаш имкониятини яратиш.
- Тўлиқ ўқитиш концепциясини амалга оширишига хизмат қилиши.

Ўта аниқлаштирилган ўқув мақсадларни шакллантириш ва ўқитиш жараёни ва унга қафолатли эришишга йўналтирилиш.

3.2. Педагогик технология тамойиллари ва педагогик технологик харита


Илмий-техник тараққиёт жадаллашуви шароитида, «Педагогика» ва «Технология» фанлар туташувида пайдо бўлган, педагогик технология мустақил фанга айланди. Ҳар бир мустақил фан ўз моҳиятига кўра унинг назарий асосларини ташкил этувчи ўзининг тамойилларига эга бўлади, педагогик технология тамойиллари, «Педагогика» ва «Технология» фанларининг негизини ташкил этувчи қоидалар йиғиндисига таянади. Педагогик технология мақсадлари, вазифалари, таркиби, мазмунининг таҳлилига кўра унинг қуйидаги асосли тамойиллари шакллантирилган: илмийлик, лойхаланиш, тизимлилик, йўналтирилганлик, фаолиятли ёндашувлиқ, бошқарилувчанлик, тузатувчанлик, натижавийлик, қайта такрорланувчанлик, тежамлилик. Ушбу барча тамойиллар ўзаро боғлиқ бўлиб, бири бирини талаб этади ва тўлдиради. Бу тамойиллар асосида ўқув жараёни ташкил этилади, яъни унинг тайёргарлиги ва ўқитиш жараёни амалга оширилади.

Педагогик технологиянинг тамойилларида педагогик ва технологик фанларнинг ютуқлари қамраб олинган. «Педагогик технология» фани кўринишидаги мазкур тамойиллар мажмуаси аниқлиги, исбот талаб этмаслиги, амалийлиги туфайли, юқори малакали кадрлар тайёрлашда ажойиб натижаларни беради.

1. Илмийлик тамойили.

Бу тамойил ҳар қандай ўқув предмети, ўқув материали фанининг замонавий ютуқларига таяниши лозимлигини кўрсатади. Ушбу тамойил, энг аввало ўқув дастурлар, ўқув қўлланмалар ва дастурларни яратиш жараёнида амалга оширилади. Илмийлик тамойилига мувофиқ ҳар йили ўқув фанларнинг ишчи ўқув режалари ва ўқув материалларини такомиллаштириш, муаммоли машғулот ўтказиш талаб этилади. Илмийлик шакли ва фаннинг тили ўрганиладиган ўқув фанларга хос хусусиятларнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланадилар. Илмий ахборотни ифода этилиш аниқлиги ва қатъийлиги, уни ифода этиш тизими ва алоқаларига, жуда катта эътибор қаратишни талаб этади.

**«ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР» ФАНИНИНГ
БЛОК-СХЕМАСИ**



1-расм. «Янги педагогик технология» фаннинг блок-схемаси


Ушбу тамойилнинг Олий мактабда рўёбга чиқарилиши учун, барча ўқитувчилар томонидан мажбурий равишда илмий-тадқиқот ишларнинг олиб борилишини ва бу ишга талабаларни жалб қилиниши тақозо этилади. Бу талабаларда ажойиб ва ностандарт ечимлар қабул қилиш, индивидуал ва иждодий ишлаш малакаларини ҳосил қилиш, илмий адабиёт ва ахборотлардан фойдаланиш кўникмаларини, уларда танқидий фикрлаш, билимлар ҳаракатчанлиги, тез ўзгарувчан шароитларга

мослашиш – қобилиятларини ривожланиш имкониятларини шакллантиради. Олий мактабда ўқув жараёни доимо ҳаракатдаги жараёндир, шунинг учун у доимий равишда нафақат фан ва техниканинг ҳолатини, балки уларнинг замонавий тараққиёти барча хусусиятларини эътиборга олишни талаб этади.

2. Лойиҳаланиш тамойили

Бу тамойил, педагогик технологиянинг энг муҳим хусусиятларидан бирини белгилайди. Лойиҳаланиш тамойили ўқув жараёнини ташкил этиш, ҳужжатларини – ўқув жараёни графиги; ишчи ўқув режа; фаннинг ишчи ўқув дастури; фаннинг, бўлимларнинг, таянч ибораларининг ўқув мақсадлари тоифалари; ўқитиш жараёни технологияси, эгалланган билим ва малакаларни баҳолашни тизимини – олдиндан яратишни англатади. Ишлаб чиқилган ҳужжатлар асосида ўқув жараёни амалга оширилади. Бу ҳужжатларнинг барча бандларига риоя этилиши, режалаштирилган натижаларга эришишни кафолатлайди. Ишлаб чиқариш техникавий соҳада, лойиҳаланиш базавий ҳисобланади, яъни бинолар ва иншоотлар, маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари олдиндан лойиҳаланади.

Мазкур тамойилнинг аҳамиятини, шу билан баҳолаш мумкинки, унинг асосида педагогик технологиянинг таърифини келтириб чиқариш мумкин:



-расм. Ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнларини айнан ўхшашлиги.

3. Тизимлилик тамойили

Педагогик технология, ўқув жараёнининг барча элементларини қамраб олиши билан алоҳида ажралиб туради. Тизимлилик тамойилининг моҳияти шу билан ифодаланадики, ўқув жараёнининг барча элементлари, уларнинг ўзаро боғлиқлик шарти асосида ягона тизим каби лойиҳаланади. Бунда ўқув жараённинг барча элементлари тузилмаси, ташкил этилиши ва фаолияти – талабаларни ўқитишга рағбатлантиради.

Бу ерда, ўқув жараёни ва ўқитиш жараёни тушунчаларини аниқ таърифлаш зарурлигини қайд этмоқ, жоиздир. Агар бу тушунчаларни ишлаб чиқариш соҳаси билан солиштирадиган бўлсак, улар ишлаб чиқариш жараёни ва технологик жараён тушунчалари билан мос келади. (1.2-расм). Ишлаб чиқариш жараёни икки қисмдан – ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва технологик жараёнларидан иборат.

Ишлаб чиқаришни тайёрлаш – бу ишлаб чиқариш жараёнини бир қисми бўлиб бунда илмий тадқиқот жиҳатдан асосланиш масалалари ечилади, маҳсулотларни тайёрлашнинг конструкторлик ва технологик ҳужжатлари тайёрланади, ташкилий-техникавий тадбирлар бажарилади.

Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида - маҳсулотни тайёрлаш бўйича технологик операциялар бажарилади.

Ишлаб-чиқариш жараёнига ўхшаб, ўқув жараёни ҳам иккита қисмга ажратиш мумкин – ўқув жараёнини тайёрлаш ва ўқитиш жараёнига.

Ўқув жараёнини тайёрлаш қисмида – ўқув жараёни графиги ва ишчи ўқув режа ишлаб чиқилади, маҳсулотлар жадвали тузилади, фаннинг ишчи ўқув дастури, ўқув услубий материаллар ва бошқалар ишлаб чиқилади. Ўқитиш жараёни қисмида – билимлар, кўникмалар, малакалар ўзлаштирилиши ва улар сифатини баҳолаши амалга оширилади. Тизимлилик тамойилининг таянч

эканлиги, педагогик технологиянинг ўқитишнинг бошқа ёндашувларидан фарқ этувчи асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

Ушбу далил халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКО томонидан педагогик технологияга фан сифатида берилган таърифда тўлалигича ўз исботини топди.

4. Мақсадга йўналтирилганлик тамойили.

Ўқув жараёни мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим. Мақсад ҳам қонун каби одамнинг характери ва ҳаракат усулини аниқлаши зарур. Бунинг учун белгиланган мақсад, аниқ ва ўлчаниладиган бўлиши шарт. *Бихевиоризм* ғояларига таянган, педагогик технология айнан шу билан фарқ қилади. Психологияда бу йўналишнинг хусусияти – организмни қўзғатишга бевосита боғлиқлигини шакл шубҳасиз тан олиш ва уни бу қўзғалишга ундашдан иборатдир.

Бихевиоризм, ўқитиш жараёнида организмда кечадиган жараёнларни ўрганмайди, у фақат ташқаридан кузатиладиган жараёнларни (яъни пировард натижани) таҳлил қилади, қўзғатиш (рағбатлаш) ва ечимлар орасидаги боғланишни ўрганиш билан чекланади. Бихевиористчилар, ҳулқни ўрганувчи эмперик ва математик усулларни яратишда, олдинги концепцияларда, фақат ички алоқа ёки жараён сифатида қаралган, ҳаракат тоифаларини ишлаб чиқишда катта ҳисса қўшдилар. Бихевиоризм психология соҳасини кенгайтирди ва унга ташқи таъсирларни киритди.

Ж.Уотсон, Э.Торндайн, С.Пресси, Б.Скиннерлар бихевиоризмнинг асосчилари эдилар.

Педагогик технологиянинг мақсадга йўналтирилганлик тамойили – тирик организм танасининг склетига ўхшайди. Умуман ўқув жараёни учун, бу тамойил аҳамиятини баҳолаш ҳаддан ташқари қийиндир. Бунинг учун ўқитишнинг энг кўп тарқалган таърифини келтириш етарлидир:

«Ўқитиш - бу ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатнинг мақсадга йўналтирилган жараёни бўлиб унинг давомида инсон маълумотга эга». Ушбу ифодадан, ўқитиш сифати, мақсадларни шакллантириш сифатига боғлиқ эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Педагогик технологияда, мақсадларни шакллантириш умумийликдан хусусийликка тизимли ёндашиш асосида амалга оширилади. Биринчи навбатда, муайян ўқув фанининг маълум мутахассисни тайёрлашдаги ўрни ва аҳамияти аниқланади.

5. Фаолият ёндашуви тамойили

Илмий техник тараққиётнинг ҳозирги босқичи мураккаб юқори технологияларни қўллаш, илм талаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан тавсифланади, бунда нафақат фан ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланишига имконият яратади. Балки ишлаб чиқариш фаннинг жадал ривожланишига шароит яратади, бу шароитларда, фаолият ёндашувига таянган ўқув жараёнининг самарадорлиги ошади. Ўқув режа, фанлар дастури, машғулотлар тури бўйича ўқув соатлари, мутахассис фаолиятининг батафсил таҳлили асосида ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир - ҳозирги пайтда «юз бор эшитишдан кўра, бир бор кўриш афзалдир» деган тамойилга таяниш камлик қилади. «Ҳозирги замон шароитида, ўқув жараёни «юз бор кўрмоқдан кўра, бир бор бажариш афзал» деган тамойилга асосланиб ташкил этилиши керак. Касб – ҳунар таълими учун, бу тамойил ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

3.3. МАЪРУЗА ДАРСЛАРИНИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мавзу

Йўловчилар ташишни ташкил этишнинг асосий элементлари

1.1. Ўқитиш модули технологияси

<i>Дарсга ажратилган вақт 2 соат</i>	Талабалар сони: 20 дан 80 гача
<i>Дарс шакли</i>	Киришли, ахборотли маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	➤ Автомобилларда пассажир ташиш ➤ Маршрут (йўналиш)лар тизими ва ҳайдовчи меҳнатини ташкил этиш ➤ Йўловчилар обороти ва йўловчилар оқими ➤ Шаҳарларда автобусларни ишлатиш асосий элементлари ➤ Енгил автомобилларда йўловчиларни ташиш ➤ Енгил такси автомобилларига бўлган талабни ўрганиш
<i>Ўқув машғулотини мақсади талабалар пассажирлар ташишни асосий элементлари ҳақида тушунча эга бўладилар</i>	
• Педагогик мақсади: • ўқув курсини мақсад ва вазифаларини ҳақида тушунчаларни шакллантириш, таркибий мантикий шакл асосида ўрганилаётган мавзунини тавсифлаш;	• Талабани ўқув фаолияти натижаси: • ўқув курсини мақсади ва вазифалари бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
1. Ўзбекистон Республикаси автомобилларда юк ва пассажирлар ташиш бўйича меъёрлаштирувчи ҳужжатлар билан танишиш;	2. Ўзбекистон Республикаси автомобилларда юк ва пассажирлар ташиш бўйича меъёрлаштирувчи ҳужжатларни аҳамиятини тушинтиради;
3. Автомобилларни асосий эксплуатацион кўрсаткичлари билан таништириш;	4. Автомобилларни асосий эксплуатацион кўрсаткичлари аҳамиятини тушинтиради;
• Автомобилларда юк ва пассажирларни бир ердан-иккинчи ерга ташишда транспортнинг аҳамияти ва босқичлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;	• Республикамиз мустақилликка эришгандан буён автомобилларда юк ва пассажирларни бир ердан-иккинчи ерга ташишда траснпорти саноатини ривожланиш босқичлари ҳақида гапириб берилди;
• Транспорт воситаларини таснифи (классификацияси) бўйича жоиз чегаралар билан танишиш;	• Транспорт воситаларини таснифи (классификацияси) бўйича жоиз чегараларни тушунтиради;
• Автомобиллар ўлчами ва масса кўрсаткичларнинг жоиз чегараларини юк ва пассажир ташишдаги аҳамияти билан танишиш;	• Автомобиллар ўлчами ва масса кўрсаткичларнинг жоиз чегараларини юк ва пассажир ташишдаги аҳамиятини тушунтиради;
• бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз даврида автомобил транспортида юк ва пассажирларни ташишни чора-тадбирлари билан танишиш;	• бутун дунё молиявий-иқтисодий инқироз даврида автомобил транспортида юк ва пассажирларни ташишни чора-тадбирлари ҳақида гапириб берилди;
<i>Ўқитиш методи</i>	Кўргазмали маъруза, суҳбат
<i>Ўқитиш шакли</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Аудитория, ЎТВ ни қўллаш бўйича мослама
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: Савол ва жавоблар. Талабаларни мустақил ишларини бажарилиши бўйича кейинги маърузагача балли баҳолаш.

Технологик паспорт

Мавзу: Йўловчилар ташишни ташкил этишнинг асосий элементлари

Амалий машғулотга ажратилган вақт – 2 соат		Талабалар сони – 30 нафар гача	
Ўқув машғулотининг шакли ва тури		Амалий	
Ўқув машғулотининг таркибий тузилмаси	1. Машғулотни бошлаш ва ташкилий масалаларни ҳал қилиш. 2. Блиц-сўров асосида талабаларнинг мавзуга оид таянч тушунчаларни ўзлаштиришлари, маршрут тавсифи, диаметрал маршрут, радиал маршрут, ярим диаметрал маршрут, ҳалқасимон маршрутлар, тангенциал маршрут, аралаш маршрутлар ва ривожланишига оид билимларга эгаликларини баҳолаш. 3. Кичик гуруҳлар томонидан маршрут оқимларининг асосий категориялари ва пассажирлар оборотини таъминлаш. 4. Кичик гуруҳлар томонидан “Т-жадвал” технологиясини қўлланилиши асосида талабаларнинг ташиш турлари бўйича хабардорлик даражасини баҳолаш. 5. Кичик гуруҳлар томонидан “Ҳаракат интервали” мавзусида кичик ҳажмдаги тавсияноманинг яратилишини таъминлаш. 6. Талабалар ўртасида тест сўровини ташкил этиш. 7. Машғулотни якунлаш.		
Ўқув машғулотнинг мақсади	Талабалар томонидан мавзу моҳиятини ўрганилиш ҳолатини таҳлил қилиш, уларнинг маршрут тавсифи, диаметрал маршрут, радиал маршрут, ярим диаметрал маршрут, ҳалқасимон маршрутлар, тангенциал маршрут, аралаш маршрутлар, ҳаракат интервали, пассажирлар обороти, пассажирлар оқими тушунчалар тизими борасидаги билимларга эгаликларини баҳолаш		
Педагогик вазифалар:		Ўқув фаолияти натижалари:	
1. Талабаларнинг мавзуга оид таянч тушунчаларни ўзлаштиришлари, маршрут тавсифи, диаметрал маршрут, радиал маршрут, ярим диаметрал маршрут, ҳалқасимон маршрутлар, тангенциал маршрут, аралаш маршрутлар ва ривожланишига оид билимларга эгаликларини баҳолайди. 2. Талабалар томонидан кичик гуруҳлар таркибида маршрут оқимларининг асосий категориялари ва пассажирлар оборотини таҳлил қилади. 3. Талабаларнинг ташиш турлари бўйича хабардорлик даражасини ўрганади. 4. Талабалар томонидан кичик гуруҳлар таркибида “Ҳаракат интервали” мавзусида кичик ҳажмдаги тавсияноманинг яратилишини таъминлайди. 5. Мавзу юзасидан ўзлаштирилган билимларнинг умумий даражасини баҳолайди		1) талабаларнинг маршрут тавсифи, диаметрал маршрут, радиал маршрут, ярим диаметрал маршрут, ҳалқасимон маршрутлар, тангенциал маршрут, аралаш маршрутлар ва ривожланишига оид билимлари мустаҳкамланади; 2) маршрут оқимларининг асосий категориялари ва пассажирлар оборотини таъминлаш оид билимларини намоиш қиладилар; 3) ташиш турлари бўйича қай даражада хабардорликларини кўрсатиб берадилар; 4) кичик гуруҳлар таркибида “Ҳаракат интервали” мавзусида кичик ҳажмдаги тавсияномани тайёрлаш орқали мавзунини пухта ўзлаштирилганликларини намоиш қиладилар; 5) тест сўрови асосида мавзу юзасидан ўзлаштирилган билимларни умумий тарзда намоиш этадилар	
Таълим методлари	“Блиц-сўров”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Т-жадвал”, “Тавсиянома” ва “Тест” технологиялари		
Таълимни ташкил этиш шакли		семинар, гуруҳли	
Дидактик воситалар		Мавзуга доир адабиётлар, плакатлар, талабаларнинг ижодий ишлари	
Таълимни ташкил этиш шароити		Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона	
Назорат	Жорий назорат, блиц-сўров, ижодий иш, кичик тест		

Технологик карта

Мавзу: Йўловчилар ташишни ташкил этишнинг асосий элементлари

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Ўқув машғулоти нинг ташкилий-тайёргарлик босқичи (15 дақиқа)	- Амалий машғулотнинг мақсади ва кутилаётган натижаларни баён этади. - Талабаларни фаолликка ундайди. - Талабаларни “Блиц-сўров” “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Т-жадвал” ва “Тавсиянома” технологияларининг моҳияти билан таништиради. - Кичик гуруҳларни шакллантиради. - Талабаларни кичик гуруҳларда ишлаш шартлари билан таништиради. - Талабалар, кичик гуруҳлар фаолиятини назорат қилиб боради. - Кутилган натижага эришилганлик даражасини баҳолайди. - Машғулоти якунлайди	- Ўқитувчи нутқни тинглайди. “Блиц-сўров”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Т-жадвал” ва “Тавсиянома” технологияларининг моҳияти билан танишади ва улар асосида ишлаш кўникмаларини ўзлаштиради. - Кичик гуруҳлар таркибида фаоллик кўрсатади. - Тенгдошларининг ижодий ишлари билан танишади. - Тенгдошлари билан баҳсга киришади. - Мавзу бўйича ўзлаштирган билимларни янада бойитади
2-босқич. Асосий қисм – билимларни мустаҳкамлаш босқичи (55 дақиқа)	- Блиц-сўров асосида талабаларнинг мавзуга оид таянч тушунчаларни ўзлаштиришлари, таянч тушунчаларни ўзлаштиришлари, маршрут тавсифи, диаметрал маршрут, радиал маршрут, ярим диаметрал маршрут, ҳалқасимон маршрутлар, тангенциал маршрут, аралаш маршрутлар ва ривожланишига оид билимларга эгаликларини баҳолайди. - Кичик гуруҳлар томонидан маршрут оқимларининг асосий категориялари ва дидактик тушунчалар тизимининг ёритилишини таъминлайди. - Кичик гуруҳлар томонидан “Т-жадвал” технологиясини қўлланилиши асосида талабаларнинг ташиш турларидан хабардорлик даражасини баҳолайди. - Кичик гуруҳлар томонидан “Ҳаракат интервали” мавзусидаги кичик ҳажмли тавсиянома яратилишини таъминлайди. - Талабалар ўртасида тест сўровини ташкил этади	- Блиц-сўров жараёнида ўқитувчининг саволларига жавоб беради. “Кичик гуруҳларда ишлаш” технологияси ёрдамида мавзуга оид маршрут оқимларининг асосий категориялари, маршрут тавсифи, диаметрал маршрут, радиал маршрут, ярим диаметрал маршрут, ҳалқасимон маршрутлар, тангенциал маршрут, аралаш маршрутлар ва ривожланишига оид билимларга эгаликларини намоён этади. - Кичик гуруҳларда ишлаш ва “Т-жадвал” технологияси орқали ташиш турларидан хабардорликларини кўрсатади. “Ҳаракат интервали” мавзусида кичик ҳажмли тавсиянома орқали мавзу юзасидан мустақил фикрлаш лаёқати эгаликларини намоён қилади. - Тест сўрови саволларига жавоб беради
3-босқич. Якуний қисм (10 дақиқа)	- Талабаларнинг машғулотлардаги иштирокларини таҳлил қилади ва баҳолайди. - Машғулоти мақсади ва кутилган натижаларга қай даражада эришилганлигини ҳулосалайди. - Талабаларнинг машғулоти юзасидан фикрлари билан танишади. - Навбатдаги амалий машғулоти мавзусини эълон қилади, талабаларга мустақил ишлаш учун топшириқ беради, уларни топшириқни баҳолашга оид мезонлари билан таништиради	- Машғулотидаги иштироклари даражасидан хабардор бўлади. - Машғулоти мақсади ва кутилган натижаларга эришишдаги шахсий иштирокларини баҳолайди. - Машғулотнинг ташкил этилиши юзасидан фикр билдиради. - Навбатдаги амалий машғулоти мавзусидан хабардор бўлади ва ўқитувчи томонидан берилган топшириқни ёзиб олади

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ЛОЙИҲАЛАРИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Мавзу: Йўловчилар ташишни ташкил этишнинг асосий элементлари

Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари:

2,0 балл – “аъло” (5); 1,5 балл – “яхши” (4); 1,0 балл – “қониқарли” (3); 0,5 балл – “қониқарсиз” (2)

Машғулот режаси:

1. Блиц-сўров асосида талабаларнинг мавзуга оид таянч тушунчаларни ўзлаштиришлари, маршрут тавсифи, диаметрал маршрут, радиал маршрут, ярим диаметрал маршрут, ҳалқасимон маршрутлар, тангенциал маршрут, аралаш маршрутлар ва ривожланишига оид билимларга эгалликларини баҳолаш.
2. Кичик гуруҳлар томонидан маршрут оқимларининг асосий категориялари ва пассажирлар оборотини таъминлаш.
3. Кичик гуруҳлар томонидан “Т-жадвал” технологиясини қўлланилиши асосида талабаларнинг ташиш турлари бўйича хабардорлик даражасини баҳолаш.
4. Кичик гуруҳлар томонидан “Ҳаракат интервали” мавзусида кичик ҳажмдаги тавсияноманинг яратилишини таъминлаш.
5. Талабалар ўртасида тест сўровини ташкил этиш.

Машғулот учун материаллар

I. Талабалар учун топширик

Блиц-сўровнинг қуйидаги саволларига жавоб қайтаринг:

- Пассажир ташувчи автомобил транспортининг бошқа пассажир ташувчи транспорт турларига нисбатан афзаллиги ва камчилиги нималардан иборат?
- Маршрутлар тизими деганда нимани тушунаси?
- Маршрутлар тармоғи кўрсаткичлари ҳақида тушунча беринг.
- Шаҳар автобус маршрутлари шаҳар ҳудудидаги ҳаракатига кўра қандай таснифланади?
- Ҳайдовчилар меҳнатини ташкил этиш шакллари ҳақида тушунча беринг.
- Пассажирлар обороти нима?
- Пассажирлар оқими деганда нимани тушунаси?
- Пассажирлар оқими нотекислик коэффициенти қандай аниқланади?

Топширик устида ишлаш босқичлари

- 1) ўқитувчи талабалар мавзу юзасидан ишланган саволларни кетма-кет ўртага ташлайди;
- 2) талабалар алоҳида навбат кутмай, берилган саволларга жавоб қайтаришлари лозим;
- 3) агарда бир талабанинг жавоби нотўғри бўлса, у ҳолда иккинчи талаба тўғри жавобни айтиши мумкин;
- 4) шу тарзда барча саволларга жавоб олингач, блиц-сўровга якун ясалади (ушбу методни жамоавий, гуруҳли ва якка тартибда ҳам қўллаш мумкин)

II. Талабалар учун топширик


Қуйидаги топшириклар бўйича маршрут тавсифи, диаметрал маршрут, радиал маршрут, ярим диаметрал маршрут, халқасимон маршрутлар, тангенциал маршрут, аралаш маршрутлар тушунчалар тизimini ёритинг:

- 1-гуруҳ. Автобус бекатлари қандай турларга бўлинади?
- 2-гуруҳ. Пассажирлар оқими деганда нимани тушунаси?
- 3-гуруҳ. Маршрутлар тизими деганда нимани тушунаси?
- 4-гуруҳ. Шаҳар автобус маршрутлари шаҳар ҳудудидаги ҳаракатига кўра қандай таснифланади?
- 5-гуруҳ. Автобуслар ҳаракат интервали қандай аниқланади?

III. Талабалар учун топширик

Қуйидаги схема бўйича “Т-жадвал” технологияси асосида Ташиш турларига хос муҳим жиҳатларни ёритинг

Топширикни бажариш босқичлари



Ташиш турлари

Пассажир ташувчи автомобил транспортининг бошқа пассажир ташувчи транспорт турларига нисбатан АФЗАЛЛИГИ	Пассажир ташувчи автомобил транспортининг бошқа пассажир ташувчи транспорт турларига нисбатан КАМЧИЛИГИ
Маршрутлар тизими нима	
Маршрутлар тармоғи кўрсаткичлари	
Шаҳар автобус маршрутлари шаҳар ҳудудидаги ҳаракатига кўра қандай таснифланади?	

IV. Талабалар учун топшириқ

Кичик гуруҳ таркибида “Тавсиянома” технологиясини қўллаш асосида “Ҳаракат интервали” мавзусида дидактик назарияларнинг моҳиятини ёритинг

Топшириқ устида ишлаш босқичлари

1) ўқитувчи тавсиянома тайёрлаш учун масалани аниқлаштиради;

2) талабаларга бу ҳақида эълон қилади;

3) талабалар масаланинг ечимини топишга ҳаракат қиладилар;

4) масала моҳиятини қайта ёдга олиш орқали унинг муҳим жиҳатлари белгилаб олинади;

5) белгиланган муҳим жиҳатларга таянган ҳолда муайян тавсиялар ишлаб чиқилади;

6) илгари сурилаётган тавсиялар ва уларнинг самарадорлиги муҳокама қилинади;

7) якуний хулосага келинади

V. Мавзуга оид тест саволлари

1. Автомобилларда пасажирлар ташиш вазифасига кўра қандай турларга бўлинади?

- А. Доимий маршрутдаги, экскурсион, туристик, хизмат юзасидан
- В. Маршрутдаги, туристик, экскурсион
- С. Хизмат юзасидан, экскурсион, маршрутдаги
- Д. Туристтик хизмат юзасидан, экскурсион

2. Автомобил транспортида давлатлараро юк ташиш битимида нималар белгилаб берилади?

- А. Томонларнинг мажбуриятлари
- В. Юк ташиш тури ва характери
- С. Ҳаракатланувчи кисм ва юк умумий масофаси
- Д. Томонларнинг мажбуриятлари, юк ташиш тури ва характери

3. Автомобилнинг оғир йўл шароитлари ва йўлдан ташқарида ҳаракатлана олиш хусусияти нима деб аталади?

- А. Автомобилнинг турғунлиги
- В. Автомобилнинг ҳаракатланаш равонлиги
- С. Автомобилнинг ўтағонлиги
- Д. Автомобилнинг чидамлилиги

3.4. «Йўловчилар ташишни ташкил этишнинг асосий элементлари» мавзусига интерфаол стратегиялардан бири кластер тузиш.

Кластер «ахборотни ёйиш методи». Кластерга ажратиш педагогик стратегия бўлиб, у кўп вариантли фикрлашни ўрганилаётган тушунча (ходиса, воқеа) лар ўртасида алоқа ўрнатиш малакаларини ривожлантиради, юқоридаги мавзу бўйича ўқувчиларни эркин ва очикдан-очик фикрлашига ёрдам беради. «Кластер» сўзи ғунча, боғлаш маъносини англатади. Кластерга ажратишни даъват, англаш ва муҳокама босқичларидаги фикрлашни Рағбатлантириш учун қўллаш мумкин.

Асосан, у янги фикрларни қўзғаш ва мавжуд билимларга етиб бориш стратегияси бўлиб, у муайян мавзу бўйича янги фикр юритишга чорлайди.

Юқоридаги мавзу бўйича кластерлар тузишни, бу мавзунини мукамал ўрганмасдан олдин фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кластерлар тузиш кетма-кетлиги қуйидагича бўлади:

1. Синф ўқув тахтаси ўртасига катта қоғоз вароғига асосий сўз ёки мавзу ёзилади.


2. Бу мавзу тегишли бўлган сўз ёки гаплар орқали ёзилади.

3. Тушунча ва ғоялар ўртасидаги ўзаро боғланишларни ўрнатади.

4. Эсланган вариантларни ҳаммасини ёзилади.

Кластер тузишда гуруҳдаги барча ўқувчиларнинг иштирок этиши, бу гуруҳда пайдо бўлган ғояларнинг ўзагини Аниқлашга имконият яратилади.

Қуйида юқоридаги мавзуга оид кластер тузиш наъмунасини келтирамиз;



-расм. Ташишни ташкил этиш бўйича кластер методи.

4. 1. Педагогик тажриба ва унинг натижалари

Наманган саноат касб-хунар коллежида “Автомобилларда ташиш” фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда касб-хунар коллежларининг Автотранспорт бўлимида малакали ишчи кадрлар тайёрлаш бўйича дастурлар, автомобиллар ва двигателларга ТХК фани бўйича намунавий ва ишчи дастурлар, маъруза, лаборатория ва ишлаб чиқариш таълимига оид материаллардан фойдаландик.

Тажриба-синов ишлари Автотранспорт бўлими йўналишининг 3-босқичи ўқувчилари билан олиб борилди.

Бажарилган ишларнинг қисқача мазмуни қуйидагилардан иборат:

1. Такидловчи босқичда-илмий тадқиқот ишимиз материаллари асосида тажриба-синов ишларида қатнашувчи шахслар ва зкув муассасининг тайёргарлик даражаси аниқланади. Малакали ишчилар тайёрлаш бўйича ўқув режалар ва дастурлар ташкил этилди.

2. Тадқиқотни ўзгартирувчи-шакллантирувчи босқичида ўқувчиларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан бугунги кун талаби даражасида шакллантириш бўйича ўтказиладиган тажриба-синов ишлари учун зарур бўлган материаллар, кўрсатмалар ва чор-тадбирлар ишлаб чиқилди. Олинган натижалар умумлаштирилди суҳбат ва кузатишлар орқали ўқувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларни шаклланганлик даражаси аниқланди.

3. Ҳал қилувчи босқичда “Автомобилларда ташиш” фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг техник ҳамда касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган усуллар, воситалар ва методлар тажрибада синаб кўрилди, уларнинг самарадорлиги аниқланди.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда назорат ва тажриба гуруҳларига берилган материаллар бир ўқитувчи раҳбарлигида бир хил методика ёрдамида синаб кўрилди ва иккала гуруҳ ўқувчиларида шаклланган техник ҳамда касбий билим, кўникма ва малакалар фарқлари таққосланди.. тажриба-синов натижаларини олишда биз назорат ва тажриба гуруҳларида замонавий педагогик технологиялар асосида лаборатория амалий машғулотлар, маърузалар фаол ўқитиш усулларида фойдаландик.

“Автомобилларда ташиш” фанидан ўқувчиларнинг техник малакаларини шакллантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларини натижаларини таққослаш учун “Автомобилларда юк ва йўловчи ташиш” фанидан назорат ишлари ва лаборатория амалий машғулотлар баҳоларини асос қилиб олинди.

4.1-жадвал

Ўтказилган тажриба-синов натижалари

Тартиб рақами	Гуруҳ	Ўқувчилар	Баҳолар				Ўртача баҳо
			5	4	3	2	
1	Назорат гуруҳи	30	3	15	10	2	3,6
1	Тажриба гуруҳи	30	10	16	4	-	4,2
Жами		60	11	31	16	2	3,9

Жадвалдаги натижалар таҳлили қуйидагича хулоса қилишга имкон берди.:

А) Назорат гуруҳида маъруза ва амалий машғулотлар анъанавий усулда олиб борилган бўлиб, мавзулар ўқитувчи томонидан берилган. Шу сабабли ўқувчиларнинг ўзлаштириши юқори бўлмади.

Б) Тажриба гуруҳида маъруза ва амалий машғулотлар педагогик технологиялар, интерфаол стратегияларни қўллаш асосида ўтилди ва юқори натижаларга эришилди.

Олинган натижалар ушбу фанни ўқитишда интерфаол стратегиялардан фойдаланиш юқори самара бериши мумкинлигини кўрсатди.

5.1. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тадбирлари.

Атмосферани ифлосланишига қарши кураш бўйича ўтказиладиган мантиқий тадбирлар мажмуасига — атмосферани ифлослантирувчи асосий манбалардан бири бўлган автомобиллар учун янги турдаги двигателлар яратиш, уларни технологик тоза ёнилғи турига ўтказиш, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи барча корхоналарни шаҳардан ташқарига жойлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарини бир-бирига яқин жоллаштиришни қатъиян ман этиш ва бошқа шу каби тадбирлар киради. Чунки улардан чиққан ташламалар фото-кимёвий реакцияга киришиб янада хавфли бўлган моддаларни ҳосил бўлишига олиб келади. Атмосферани автотранспортлар таъсирида ифлосланишини камайтириш учун кўчалар текислигини таъминлаш ва автомобиллар ҳаракатини «яшил тулқинлар» принципи бўйича ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳол ўз навбатида шаҳар магистрал йуллари бўйлаб машиналар ооқими ҳаракати хавфсизлигини таъминлайди.

Бутун дунёда автокорхоналар сонини ошиб бориши олимлар ва конструкторларни автомобиллар учун шундай моторлар яратишни тақазо қиладики, улар ишлаган вақтида ҳавога чиқадиган зарарли компонентлар чиқмасин ёки чиқса ҳам жуда кам миқдорда чиқсин. Бу борада сиқилган газдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки автомобилда ёнилғини максимал ёнишига эришиш атмосферага ташланадиган зарарли моддаларни бензинга ишловчи автомобиллардагига нисбатан сезиларли даражада кам чиқаради. Қуёшли ўлкаларда қуёш батареяларида ишловчи электромобилларни яратиш имкониятлари ҳам мавжуд. Хозирча, машиналарни сўндиргичларидан чиқадиган газларни камайтириш муаммосини автомобиль двигателларини ва ёнилғи таъминот тизимини созлаш орқали ҳал этиш лозим. Дунёнинг купгина мамлакатларида нефтни тўғридан-тўғри ҳайдаш йули билан тетраэтил қўرғошинсиз бензин ишлаб чиқарилмоқда. Бундай бензин билан ҳаракатланган автомобиллардан ҳавога чиқадиган заҳарли қўрғошин бирикмалари концентрацияси сезиларли даражада кам бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақиллик йилларида янги маҳсулот турлари - бензин, авиакеросин, нефть мойларини ҳар хил турлари, суюлтирилган газ ва бошқалар ишлаб чиқариш узлаштирилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Бу заводнинг узига хос хусусияти шундаки, нефтни қайта ишлаш жараёнида нефть таркибида куп булган олтингугуртдан ҳам тозаланади. Натижада бензин таркиби энг хавфли олтингугурт газларидан холи бўлади. Атмосферанинг ифлосланишига қарши курашда электрлаштириш, газлаштириш ва иссиқлик таъминотини яратиш ҳам муҳим ўрин тутди. Шунингдек, ўсимлик зараркунандаларига қарши ишлатила-диган биологик, кимёвий воситалар ва биопрепаратларнинг аҳамияти катта. Баъзан шамол ҳаракатини вактинчалкк тўхташи ҳавони ифлослантирувчи моддалар концентрацияларини ошиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолларда қисқа муддатга корхонани тўхтатиб, атмосферага ташланадиган ташламаларни қисқартириш мумкин. Ифлосланган ҳавони тозалашнинг энг мяъкул усули бу кукаламзорлаштиришдир. Айнан яшил ўсимликлар фото синтез натижасида ҳаво тозалигини таъминлайди, газланганлик ва зарарли ташламалар билан ифлосланишини камайтиради, микроиқлимни яхшилади. Зарарли моддаларнинг максимал миқдори қиш фаслида кузатилади. Шунинг учун йил давомида ўсадиган яшил ўсимликлар эгаллаган майдонларни кўпайтириш лозим. Транспорт воситалари ташламалари билан ўсимликларнинг ифлосланиши асосан йул четидан 50 метргача бўлган масофада кузатилади. Энг кўп ифлосланиш 7-25 метр масофада содир бўлади. Шунинг учун йул четларида етиштирилган мевалар, кўкатлар ва доривор ўсимликларни истеъмол қилиш таъқиқланади. Йул ёқасидан 50 метр масофада жойлашган боғларда етиштирилган мевалар таркибида қўрғошин миқдори РЭЧМдан 3 марта юқори бўлиши аниқланган. Дарахт баргларга сув сепиб уларни курум, чанг ва бошқа ифлосликлардан ювиш ўсимликни тикланиш фаоллигини оширади.

Дарахтлар зарарли моддаларга қарши табиий тўсиқ. вазифасини муваффақиятли ўтай олишлари фанга кўпдан маълум. Чанг, аэрозол ва бошқа таъсирчан моддаларни яшил қалқонлик вазифасини ўтаётган ўсимликлар атмосферадан ўзларига сингдириб оладилар, уларни хатто зарарсиз ҳолатга келтиришлари ҳам мумкин. Дарахтзорлар ва кўкаламзорлар атмосфера ҳавосидаги чанг миқдорини 2-3 марта камайтиради. Олинган маълумотларга қараганда, дарахтзорлар ҳаводаги сульфид ангидрид газини ўзига сингдириб олади ва сульфатларга айлантиради. Бироқ яшил минтакаларни ташкил қилишда алоҳида эътибор бериш керак бўлган масалалар бор. Яшил тўсиқларни барпо этишда зарарли газларга, кислота ва ишқорларга чидамли дарахт кўчатларини ўтказиш катта аҳамият касб этади. Шуни айтиб ўтиш керакки, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси юқори бўлган жойларга мевали дарахтларни, сабзавот ва полиз экинларини экиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки

ўта ифлосланган хаво мухитида етиштирилган меваларнинг таркибида захарли моддаларнинг салмоки кўп бўлади.

Шахар ҳавосини ифлослантирадиган асосий омиллардан бири — автотранспорт воситаларидир. Улар ифлослантирган хавонинг захарлилигини камайтириш мақсадида ёки хавога чиқариб ташланадиган чиқиндиларнинг умумий миқдорини камайтириш учун турли технологик тадбирларни амалга ошириш йули билан исталган мақсадга эришиш мумкин. Бунинг учун, мотор цилиндрларида пайдо бўладиган захарли газларни нейтрализаторлар ёрдамида тутиб қолиш, ёнилғиларни тўла ёнишини таъминлайдиган моторлар ишлаб чиқариш, шаҳарларнинг асосий йуллари ва йулакларини соз бўлишини таъминлаш, чоррахаларда тартиб ўрнатиш, транспорт ҳаракатини туғри йўлга қўйиш мақсадида шаҳар қурилиши лойҳаларини лозим даражада ўзгартириш, кўча четларига дарахтлар ўтказиш, ер ости йулларини лўпайтириш, айниқса чоррахаларда автотранспорт тўпланиб қолишига йўл қўймаслик каби гапларни амалга ошириш зарур. Шунингдек, йўлга яқин жойларда бир қаватли уйларни олдинги қаторга, ундан кейин кўп қаватли уйлар, уларнинг ортида эса болалар боғчалари ва мактаб бинолари жойлаштирилиши керак.

Энг зарур тадбирлардан бири — автотранспорт чиқиндиларни атмосфера ҳавосига тушишини чеклашдир. Ташқи муҳитни автомобиль транспорти чиқиндиларидан муҳофаза қилиш Давлат автомобиль инспекциясига топширилган. Давлат автомобиль инспекцияси шаҳар ва туманлар ҳудудидаги автомобил транспортини ҳисобга олади, унинг техник ҳолатини текширади, автомобиль дудбуронидан чиқаётган чиқиндилар таркибини текширади. Ис газининг ҳаводаги меъёри давлат тасдиқлаган меъёрдан ошиб кетса, автотранспортларнинг карбюраторлари тузатилиб, созланмагунча мазкур машинани ишлатиш ман этилади. Масалан, автомобилни биринчи режимда ишлатилса унинг дудбуронидан чиққан ис газининг 1,5% дан, иккинчи режимда ишлатилса, 1% дан ошмаслиги керак.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг водий регионлари юқори ифлосланиш потенциалига эга бўлган минтақаларга кирсада, бу ерда зарарли моддаларнинг тарқалиш даражаси паст. Шунинг учун унча кучли бўлмаган шамол ҳаракати таъсирида ҳам зарарли моддалар хавода тез тўпланади. Шунинг эътиборига олиб, ишлаб чиқариш корхоналарини нисбатан баландроқ жойларга қуриш мақсадга мувофиқ. Санитар меъёрий талабларига мувофиқ таркибида чанг, зарарли газ ва буғлар бўлган технологик ва вентиляция ташламалар тозаланиши лозим. Саноат корхоналари томонидан хавога чиқариладиган чанг ёки туманларни тозалаш махсус қурилмалар ёрдамида амалга оширилади. Масалан, механик чангларни бирламчи тозалаш ишлари чанг сундиргич камераларида, аспирацион чанг тутгичларда, циклонлар ва мультициклонлар ёрдамида олиб борилади. Чангларни нисбатан самаралироқ тозалаш ишлари нам ҳолда ишловчи насадкали скрубберлар, кўлик ҳосил қилувчи аппаратлари, Вентури трубаларида олиб борилади. Толали, ячейкали, донадор материалли, мойли ва энг кенг тарқалган енгил филтрлар, шунингдек, электрофилтрлар газ ва чангларни энг самарали тозалашга мўлжалланган аппаратлар ҳисобланади. Буг ёки газ қўшимчалари кўринишидаги токсик моддалар сақловчи саноат газсимон чиқиндилари махсус ювувчи камераларда ёки адсорбцион тозалагичларда тозаланади ва ёнилғи сифатида ёқилади. Бу каби зарарли моддаларни зарарсизлантириш учун конденсацион тозалашдан, термик ёки каталитик ёндириш усулларида фойдаланилади. Қўшимчаларни ёндириш усули чиқиндилардан фойдаланишнинг иложи бўлмаганда ёки улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилганда қўлланилади.

Хулоса

Менга битирув малака иши сифатида **Наманган саноат касб ҳунар коллежида “Йўловчи ташишни ташкил этишнинг асосий элементлари мавзусини ўқитишда интерфаол стратегияларни қўллаш (Автомобилларда йўловчи ташишни ташкил этиш фани мисолида)** мавзуси берилган. Битирув малака иши олди амалиётини Наманган саноат касб-ҳунар коллежида ўтказдим. Касб-ҳунар коллежи ўқув жараёнини таҳлил қилиб чиқилди.

Битирув малакавий ишини мавзусининг моҳиятидан келиб чиқиб фан ва мавзуни мутахассис тайёрлашдаги ўрни, аҳамияти ва унинг тавсифи, фанни ўзлаштирган ўқувчи қандай билим, малакага ва кўникмага эга бўлиши, фан бўйича олиб бориладиган дарс турлари ва уларни ҳажми, танлаб олинган мавзунинг аҳамияти ҳақида фикрлар юритилган. Бу мавзуни ўтишда фаннинг ўқув режасида тутган ўрни, фанни ўрганишда бошқа фанлар билан алоқаси ва бу фан бўйича олинган билимлар кейинги ўқиладиган фанлар учун аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилди.

Мавзунинг услубий ва техник таъминотида мавзуни ўтиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ва илмий техник адабиётлар, уларда келтирилган материалларнинг савияси, шарҳи ва улардан фойдаланиб дарс материални тайёрлаш бўйича фикрлар билдирилган. Дарсни олиб боришда фойдаланилган техник воситалар ҳақида маълумотлар берилган.

Дарс мавзусида ўқув услубий, илмий техник адабиётлар асосида дарс материали тайёрланган. Дарс ўтишни анъанавий услублари қисқача баён этилган ва замонавий усуллар билан қиёсланган.

Битирув малака ишини ташкилий қисмида дарснинг мавзуси, дарсда кўзда тутилган таълимий ва тарбиявий мақсадлари, ўқув натижалари, дарснинг жиҳозланиши, мавзунинг структурали-мантиқий шакли, дарсни ташкил қилиш, мавзуни ўқитиш методлари ва уларнинг таҳлили, кўргазмали ва дидактик материаллар ёритиб берилган. Дидактик материаллар сифатида ўқувчиларни билимини сифат даражасини баҳолаш учун оғзаки, ёзма ва тест усулларини афзалликлари ва уларни камчилиги ҳақида тўхталиб ўтилган. Шу асосда оғзаки, ёзма ва тест синовлари учун топшириқлар берилган.

Битирув малака ишини иқтисодий қисмида таклиф этилган услубни афзаллиги ва уни ўқувчиларни билимини оширишдаги самарадорлиги аниқланган.

Меҳнат муҳофазаси қисмида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тадбирлари таҳлил қилинган ва чора тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича таклифлар берилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т. Ўзбекистон. 1992.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., Ўзбекистон. 1997.
3. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами:/С.С.Ғуломов таҳрири остида; Тузувчилар: Б.Х.Рахимов, Ш.Д.Жонбоев ва бошқ. –Т.: «Шарқ», 2001.
4. Дадамирзаев Ғ., Ишматов Қ. Муаммоли маъруза ўқувчию талабаларни изланишга, фикрлашга чорлайди. «Маърифат» 2003 йил 15 октябр сони.
5. Голиш А.В. Янги турдаги ўқув муассасаларида малакали ишчи ходимлар тарбиялашнинг хусусиятлари. Хунар таълими ИТИ. Т.: -1994.
6. Мирсаидов К.Ж., Исмаилова З.К. Тарбиявий соатларни ўтказиш бўйича услубий тавсиялар. ТИКХМИИ, Т.: -1996.
7. Мирсаидов К.Ж. Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими. Т.: -1996.
8. Илғор педагогик технологиялар. ОУМММИ, Тошкент., -1999.
9. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. –Т.: «Молия» нашриёти, 2003. 172 б.
10. Лошаков К.А. Автомобилнинг тузулиши. Т.: Ўқитувчи, 1992. –264 б.
11. Дадамирзаев Ғ., Маткаримов П. Бакалаврлар учун битирув малакавий ишни бажариш бўйича услубий кўрсатма. Наманган, 1999.
12. Хо'jaev B.A. Avtomobillarda yuk va passajirlarni tashish asoslari.-T.: O'zbekiston, 2002. -240 b.
13. Karimov E. Avtomobillarda yuk tashish va uni tashkil qilish.- T.: Sharq, 2002.- 240 b.
14. Савин В.И. Перевозки грузов автомобил ным транспортом. -М.: Дело сервис, 2004. -544 с.
15. Хо'jaev B.A.Avtomobil transporti iqtisodiyoti. T.: O'qituvchi, 1992.-192 b.
16. Хужаев Б.А. Автомобильные перевозки. -Т.: Ўзбекистон, 1991.-400 с.
17. N.Z.Arifjanova, M.F.Yoqubov «Avtomobillarda yuk va passajirlar tashish asoslari» (masalalar to'plami) T.: 2006 y.
18. Махмудов З., Маткаримов К. Касб таълими йўналиши бакалаврларининг малакавий битирув ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатма. Наманган, 2003.
19. Йўлдашев Ж.Ғ. Янги педагогик технология йўналишлари, муаммолари, ечимлариҒ Халқ таълими, 1999, №4. 4-11 б.
20. Сайидахмедов Н. Ўқитувчининг педагогик тизимдаги фаолиятиҒ Халқ таълими, 1993, №6-7.
21. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. –Т.: 2002, -192 бет.
22. Ишматов Қ. Илғор педагогик технологиялар фанидан интерактив стратегиялардан фойдаланиб ўтказиладиган моделланган машғулотнинг методик ишланмаси. –Наманган, 2002.
23. Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш тайёрлов йўналиши бўйича тармоқ таълим стандарти ва ўқув дастурлари. Код 3521210.–Т.: 2003, -232 бет.
24. Маткаримов К.Ж. Махсус фанлар ва ишлаб чиқариш таълимини ўқитиш методикаси. Маърузалар матни. Наманган-2004.
25. Крамеренко Г.В., Барашков Н.В., Автомобилларга техникавий хизмат кўрсатиш.
26. Кузнецов В.С., Автомобиллардан техникавий фойдаланиш.
27. Кабанов В.К., Мишук В.В., Автомобилларга ТХК бўйича лаборатория машғулотлари.
28. Фастовцев Г.Ф., Енгил автомобилларга ТХК ва Т ни ташкил этиш.
29. Семёнов Н.В., Автобусларга ТХК ва Т ўтказиш.
30. <http://referat.students.ru>; <http://www.referats.net>; <http://www.referats.com>